

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК

БОБОРАЖАБОВ ЭРГАШ ТОШПУЛАТОВИЧ

**Мавзу: “СПОРТ” ТЕЛЕКАНАЛИДА ОММАВИЙ ВА БОЛАЛАР
СПОРТИНИНГ ЁРИТИЛИШИ
(2013-2014 ЙИЛЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ МИСОЛИДА)**

**5A220101 - ЖУРНАЛИСТИКА (СПОРТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ)
БЎЙИЧА МАГИСТР АКАДЕМИК ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН
МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ**

**Илмий раҳбар:
ф.ф.д.Х.Дўстмухамедов**

ТОШКЕНТ-2014

ҲИМОЯГА РУХСАТ ЭТИЛДИ:

Факультет декани: _____ А.Нурматов
Кафедра мудири: _____ Х.Дўстмухамедов
Илмий раҳбар: _____ Х.Дўстмухамедов
Расмий ички тақризчи: _____ А.Матёқубов
Расмий ташқи тақризчи: _____ С.Ризаев

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

**МАВЗУ: “СПОРТ” ТЕЛЕКАНАЛИДА ОММАВИЙ ВА БОЛАЛАР
СПОРТИНИНГ ЁРИТИЛИШИ (2013-2014 ЙИЛЛАР МАТЕРИАЛЛАРИ
МИСОЛИДА)**

**ДАК қарори: ўзбек гуруҳи талабаси
Боборажабов Эргаш Тошпулатовичнинг магистрлик
диссертацияси
«_____» га баҳолансин.**

«_____» _____ 2014 йил

ДАК раиси:

Б.Алимов

ДАК котибаси:

Ф.Раҳимова

Мундарижа

КИРИШ.....	3
1-БОБ. МИЛЛИЙ ТЕЛЕКАНАЛЛАРДА ОММАВИЙ ВА БОЛАЛАР СПОРТИ МАВЗУСИ	12
1.1. Ўзбекистонда спорт соҳасидаги ислохотлар.....	12
1.2. Телекўрсатувларда оммавий ва болалар спорти мавзуси.....	22
2-БОБ. МАМЛАКАТИМИЗДА ОММАВИЙ СПОРТ ТУРИ ФУТБОЛНИ ОММАЛАШТИРИШДА ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ ЎРНИ.....	40
2.1. “Спорт” телеканалида болалар футболга оид чиқишлар.....	40
2.2. Болалар футбол тарғиботида муаллифлар маҳорати масалалари	44
3-БОБ. ЯНГИЛИКЛАР ДАСТУРЛАРИДА ОММАВИЙ ВА БОЛАЛАР СПОРТИ ТАРҒИБОТИ.....	61
3.1. “Хабарлар” ахборот дастурида мавзулар кўлами	61
3.2. Телевизион спорт янгиликларини етказишда журналистнинг ўрни	69
ХУЛОСА	75
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	79
Иловалар	82

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари мустақилликдан сўнг мазмун ва шакл нуктаи назаридан тубдан ўзгарди. Уларда бериладиган материаллар мазмун ва мундарижаси янгича услубларда намоён бўла бошлади. Олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар, кишилар онги ва шууридаги ўзгаришлар тайёрланадиган ижодий ишларга қўйиладиган талабларнинг ортишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида Юртбошимиз мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар жараёнларни янада жадаллаштириш ва чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Ўзбекистонда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг ғоят муҳим шarti – бу оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга оширишдир”¹ деб номланган учинчи устувор йўналиш миллий матбуотчилигимиз равнақини янги босқичларга кўтаришда муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган улкан ўзгаришлар бошқа соҳалар катори оммавий ахборот воситаларида ҳам ижобий силжишларга олиб келганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Кейинги йилларда журналистикани ривожлантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилдики, бундан кўзланган энг асосий мақсад мамлакат равнақига ҳисса қўшадиган чиқишларни кўпайтириш, журналистларни фаоллаштириш ва шу орқали эркин фикрлар минбарини вужудга келтиришдир. Жаҳонда кечаётган ўзгаришларга назар ташласак, ахборот тайёрлаш ва уни узатиш борасида кучли рақобатга эга бўлган информация бозорлари пайдо бўлди.

¹Каримов И.А.Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш, Т.: “Ўзбекистон”, 1997.

Бугунги кунга келиб миллий матбуотимиз мавзу кўлами, Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси дастурлари мундарижаси анча кенгайди. Турли мавзулардаги кўрсатув ва эшиттиришлар, матбуот материаллари аудитория оммасига тақдим этилмоқда. Янги жанр ва услубларда, ўзига хос тарзда экранда намоён бўлаётган дастурлар, малакали журналистлар кучи ва маҳорати билан юзага келаётган кўрсатувлар томошабин талабларидан келиб чиқиб, тақдим этиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мазкур масалага эътибор қаратаркан, миллий матбуотимизни тубдан яхшилаш кераклигини, у бугунги кун талабларига тўла жавоб бермаслиги, қизиқарли чиқишлар, баҳс-мунозаралар, фикр берадиган, тарбиялайдиган кўрсатувлар жуда камлигини бир неча бор тилга олган. Агар эътибор бериладиган бўлса, бугун республикамызда ихтисослашган нашрлар, маълум соҳага йўналтирилган теледастурлар, турли форматдаги радиостанциялар пайдо бўлганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Миллат тараққиёти ҳисобланган соғлом ва баркамол авлод мамлакат ва миллатнинг қўш қаноти ҳисобланади. Қайси мамлакатда ёш авлод тарбиясига жиддий эътибор берилмас экан, бу мамлакат келажаги ҳақида ижобий фикр билдириш қийин. Мамлакатда Президент раҳнамолигида амалга оширилаётган ишлар, ёш авлоднинг ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етиши йўлида олиб борилаётган хатти-ҳаракатлар ўзининг ижобий натижасини бериши керак. Айнан ўтган йиллар давомида соғлом авлодни вояга етказиш, тарбиялаш вазифаси биринчи ўринга қўйилди. Бу борада амалга оширилган ишлар матбуот нашрларида мунтазам ўз ифодасини топмоқда. Оммавий ахборот воситалари фаолиятига назар ташланса, соғлом турмуш тарзи тарғиботи бағишланган чиқишлар асосий ўринни эгаллайди. Бу борада миллий телеканаллар муҳим ўрин тутди.

Жорий йилда “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишларнинг ОАВдаги ифодаси ва тарғиботи, муаллифлар аҳамият қаратаётган жиҳатларни таҳлил этиш ва муайян фикр-мулоҳазаларни

бериш ишнинг долзарблигини белгилаб беради. Соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи “Спорт” телеканалида оммавий ва болалар спортининг ёритилиши биринчи марта тизимли асосда таҳлилга тортилиши ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Телевизион журналистиканинг хос хусусиятлари Г.В.Кузнецов, В.Л.Цвик, А.Я.Юровский, Н.В.Вакурова, В.В.Ворошилов, Е.В.Поберезникова, Я.П.Засурский, Е.Прохоров² каби рус олимлари асарларида тадқиқ қилинган. Шунингдек, бошқа хорижий мамлакатларда, чоп этилган китоб, мақола ва тадқиқотларда янгилик тайёрлаш назарияси, амалиётига оид айрим фикрлар кузатилади. Улар ишимизда назарий манба сифатида ўрганилди.

Мамлакатимиздаги олим ва мутахассислар А.Каримов, С.Арифханова, Ў.Ўтаев, Ю.Ҳамдамов, Ш.Ибрагимов, И.Раҳматуллаева, П.Алламбергенова, Ю.Артиқова, И.Абдухолиқов, А.Каримов³ тадқиқотларида телевидение соҳасига оид турли муаммолар таҳлилга тортилган. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Садо” газетасида, “Ўзбекистон матбуоти”, “Ижтимоий фикр” журналларида, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Хуррият” ва бошқа матбуот нашрларида мавзуга доир кичик мақолалар, тақризлар учрайди, холос. Н.А.Абдуазизова, М.Худойкулов, Ф.А.Мўминов, К.Т.Ирназаров, Ф.И.Мўминова, Х.Дўстмуҳаммад, Ф.П.Нестеренко, Муҳаммад ал-Бухорий, Б.А.Дўстқораев, Ш.Қудратхўжаев, Р.Муҳаммадиев, С.Умиров, К.Исмоилова, Ю.Ҳамдамов, Я.Маматова, М.Мирсоатова,

²Кузнецов Г.В. Так работают журналисты ТВ. 2-е изд. – М.: МГУ, 2004.; Кузнецов Г.В., Цвик В.Л.Юровский А.Я. Телевизионная журналистика, Изд-во МГУ, 4-е изд. М.: 2002.; Вакурова Н.В., Московкин Л.И. Типология жанров современной экранной продукции. – М.: 1998.; Поберезникова Е.В. Телевидение взаимодействия. Интерактивное поле общения. – М.: Аспект Пресс, 2004. Засурский Я.П. Журналистика и мир на рубеже тысячелетий, Изд-во МГУ, 2000. Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики.-М.: Рип - холдинг, 2002; Ворошилов В.В. Журналистика.-М.: Спб, 1999; Кузнецова Г.В. ТВ журналистика: Критерии профессионализма.-М.,Рип-холдинг, 2002.

³Каримов А. Телевидение Узбекистана. – Т.: Узбекистан, 1973; Арифханова С. Телевизионная журналистика. – Т.: 2007.; Раҳматуллаева И. Телевидение ва ёшлар: кеча ва бугун. – Т.: Янги аср авлоди, 2005; Артиқова Ю.А. Ўзбекистон радиосида интерактивлик: тамойиллар, усуллар, эфирда ишлаш воситалари. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т.: ЎЗМУ, 2009.; Каримов А. Аудиовизуал журналистика (тележурналистика), - Т.: ЎЗДЖТУ, 2012. ва бошқ.

О.Тошбоев, Г.Тоғаева ва бошқаларнинг⁴ тадқиқотлари, китоблари, мақолаларида ҳам чиқишларга оид айрим фикр-мулоҳазалар билдирилган. Бевосита спорт журналистикаси бўйича рус олимлари С.Михайлов, А.Гост⁵, мамлакатимиздан А.Имомхўжаев⁶ лар томонидан спорт журналистикасига оид айрим йўналишлар тадқиқ этилган бўлса-да телевидениеда оммавий ва болалар спортининг ёритилиши махсус ўрганилмаган. Мазкур мавзу атрофида тиббий ва ижтимоий нуқтаи назардан илмий анжуманлар доирасида чиқишлар, бакалаврлик ва магистрлик диссертациялар ҳимоя қилинган. Бу эса спорт журналистикаси соҳасидаги илмий-назарий бўшлиқни тўлдиришга камлик қилади.

Тадқиқотнинг мақсади: Телевидениеда оммавий ва болалар спортининг ёритилишини 2013-2014 йиллардаги “Спорт” телеканали материаллари асосида ўрганиш, соғлом турмуш тарзи тарғиботининг ўзига хосликларни аниқлаш, уларнинг аҳамиятини назарий асослаш, сўнгги йиллар давомида телевизион дастурларида эфирга узатилган кўрсатувларнинг ўзига хос хусусиятларини тайин этиш, чиқишларнинг назарий тамойилларини, илмий мезонларини белгилаш, Ўзбекистонда ёш авлод тарбиясига қаратилган қатор лойиҳалар, “Соғлом бола йили” Давлат дастури ва “Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури” асосидаги телевизион кўрсатувларни таҳлилга тортиш, илмий умумлашмалар чиқаришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

⁴ Абдуазизова Н. Мустиқил Ўзбекистон журналистикаси тарихи. – Т.: Академия, 2007.; Абдуазизова Н. Миллий журналистика тарихи. – Т.: Шарқ, 2008.; Худойқулов М. Оммавий ахборот воситалари типологияси. – Т.: ЎзМУ, 2000.; Мухаммад аль-Бухари. Общественные отношения и международный информационный обмен. – Т.: ТГИВ, 2001.; Дўстмухаммад Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил (Монография). – Т.: Янги аср авлоди, 2007.; Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. Қ.Т. Эрназаров умумий таҳрири остида. – Т.: ЎзМУ, 2002.; Современная журналистика. Рук. проекта Ирназаров К.Т. Авторы: Нестеренко Ф.П., Ирназаров К.Т., Маматова Я.М. – Т.: Зар қалам, 2006.; Мухаммадиев Р. Публицистика ва унинг жанрлари. – Т.: ТошДУ, 1981.; Мўминов Ф.А. Журналистика ижтимоий институт сифатида. – Т.: Университет, 1998.; Мўминова Ф.И. Международная журналистика: теория и практика. – Т.: УМЭД–PATENT–PRESS, 2006 ва бошқ.

⁵ Михайлов С.А., Гост А.Г., “Спортивная журналистика”, М.: Аспект-пресс, 2002.

⁶ Имомхўжаев А. Футбол – кувончим, дардим, фахрим, Т., “Шарқ” НМАК, 1996 Имомхўжаев А. Мафтунингман футбол, Т., “Шарқ”НМАК, 2004. Имомхўжаев А. Ўзбекистоннинг Миржалоли, Т., “Шарқ”НМАК, 2006

- Мустақиллик йилларида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масалаларига берилаётган эътибор ва унинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил этиш;

- Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва бу борада амалга оширилаётган ишларни ўрганиш;

- Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибида “Спорт” телеканалининг шаклланиш тенденциялари, мақсад ва вазифаларини тадқиқ этиш;

- Телевидениеда оммавий ва болалар спорти тарғиб этилаётган асосий чиқишлар, уларнинг мақсад ва вазифалари, телекўрсатувларнинг аудиторияга таъсири масалаларини тадқиқ этиш;

- Оммавий ва болалар спортини кенг кўламда ёритишда ТВга юклатилган асосий вазифалар нимадан иборат ва у қандай бажарилаётганини таҳлилга тортиш;

- Оммавий ва болалар мавзуидаги чиқишларнинг мавзу кўлами, муаллифлар маҳорати масалаларини ўрганиш;

- Қайси мавзулар муаллифлар назаридан четда қолаётганини аниқлаш, таъсирчан ва оммабоп чиқишлар учун таклифлар киритиш;

- “Спорт” телеканалининг соғлом турмуш тарзи тарғиботидаги ўрни, чиқишларнинг ютуқ ва камчиликлари, асосий муаммолар ҳақида сўз юритиш;

- Хориж тажрибасидан фойдаланиш бўйича маълум таклифлар, фикр-мулоҳазалар билдириш мақсад қилиб қўйилган.

Тадқиқот объекти ва предмети.

Объект сифатида “Спорт” телерадиоканали дастурлари танланди. Тадқиқот предмети соғлом турмуш тарғиботига бағишланган оммавий ва болалар спортга доир чиқишлар, уларнинг ўзига хосликлари, мазмун-мундарижаси ўрганилди.

Мавзуга оид маълумотлар, журналистлар маҳорати ва аудиовизуал журналистикага оид адабиётлар, мазкур мавзу юзасидан олиб борилган баъзи битирув-малакавий ишлари ва магистрлик диссертациялари ҳам кўриб чиқилди.

Тадқиқотнинг методологик ва услубий асослари. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, оммавий ахборот воситалари соҳасига доир Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарларида баён этилган йўл-йўриқлар, ахборот олиш, қайта ишлаш ва тарқатиш соҳасидаги халқаро декларация, пакт, шартнома, протоколлар, шунингдек, замонавий журналистика назарияси ва амалиётига, шунингдек турдош соҳаларга доир асарлар ишнинг методологик ва назарий асосларини ташкил этади.

Тадқиқот учун журналистика, социология, филология, сиёсатшунослик, санъатшунослик каби ижтимоий-гуманитар соҳалар бўйича олиб борилган илмий изланишлар, чоп этилган адабиётлар ҳам муҳим назарий манба вазифасини ўтади.

Тадқиқот услублари. Илмий ишни тайёрлашда обсервацион (кузатув), экспериментал праксиметрик (журналист асарлари таҳлили) каби эмперик методлардан фойдаланилди.

Илмий ишнинг янгилиги. Телевидениеда спорт мавзуси, шарҳловчи маҳорати муаммолари, спорт газеталари фаолияти бир неча марта битирув-малакавий иши, магистрлик диссертацияси сифатида уларнинг айрим жиҳатларигина ўрганилган. Мамлакатимиз матбуотида ҳам бу соҳадаги муаммолар тўғрисида турли мавзуларда чиқишлар қилинган. Кейинги йилларда интернетда спорт журналистикаси соҳаси анча кенгайди ва бу жараён давом этмоқда. Спорт ташкилотлари, спорт федерацияларининг матбуот хизматлари фаолияти таҳлили ҳам деярли ўрганилмаган. Мавзунинг биринчи марта ўрганилаётгани ишнинг илмий янгилиги саналади.

Спорт мавзуидаги чиқишларни таҳлил этиш, муаллифлар маҳоратига баҳо бериш, айниқса болалар спортининг телевидениеда ёритилиши

муаммолари диссертацияда биринчи бор илмий муаммо сифатида кўйилмоқда. Кўтарилаётган асосий мавзулар ва муаммолар тўғрисида ишда гапириб ўтилган. Иш шу нуқтаи назардан ҳам ўрганилмаган.

Диссертациянинг назарий-амалий аҳамияти. Телевидениеда спорт мавзуси, шарҳловчи маҳорати муаммолари, спорт газеталари фаолияти бир неча марта битирув-малакавий иши, магистрлик диссертацияси сифатида уларнинг айрим жиҳатлари ўрганилган. Мамлакатимиз матбуотида ҳам бу соҳадаги муаммолар тўғрисида чиқишлар ташкил қилинган. Соғлом турмуш тарзи тарғиб этувчи оммавий ва болалар спортининг ёритилиши таҳлили телевидениедаги чиқишлар мисолида айнан ўрганилмаган. Мавзунинг биринчи марта ўрганилаётгани ишнинг илмий аҳамияти юқори эканлигини кўрсатиб турибди.

Спортга ихтисослашган нашрларда спортнинг маълум бир турига тааллуқли мақола, суҳбат ёки шарҳ чоп этилар экан, унда журналист билими ва қалами ўз аксини тўлиқ топади. “Спорт” телеканалида бўладими, интернет веб-саҳифаларида бўладими, спорт нашрида бўладими шарҳловчилар тажриба ва маҳорат бобида ўз устларида астойдил ишлаб, ўз услубларига эга бўлишга ҳаракат қилаётган бўлсалар ҳам айрим камчиликлар борлигини айтиб ўтишимиз керак. Ушбу тадқиқот ишида эфирлардан жой эгаллаган оммавий ва болалар спортга оид мисоллар билан мазкур жиҳатларни кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган. Тадқиқотимиз журналистларга, ёш мутахассисларга келгусида спорт соҳасида иш олиб бормоқчи бўлган барча қизиқувчилар учун амалий аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Ўрганилаётган мавзу шуниси билан аҳамиятлики, журналистлар келгусида спорт мавзусидаги чиқишда нималарга аҳамият қаратишлари, қайси жиҳатларни кўпроқ ёритиш кераклигини билиб оладилар ва ўз ижодий жараёнларида қўллайдилар. Тан олиш керак бу мавзуда чуқур таҳлил этилган чиқишлар, ўткир мақолалар бирмунча кам. Мазкур мавзуда қалам тебратишга уринганларнинг барчасида ҳам маҳорат етишмаслиги сезилган. Чунки, улар аввало спорт журналистикасига доир меъёр ва талаблардан ва соҳа сир-

синоатларидан тўла хабардор эмас. Олиб бораётган ушбу тадқиқотимиз мазкур соҳада фаолият кўрсатаётган муаллифлар, спорт журналистикаси соҳасига эндиgina кириб келаётган ижодкорлар ва журналистика факультетларида таҳсил олаётган талабаларга амалий жиҳатдан қўлланма вазифасини бажаради.

Илмий тадқиқотда чиқарилган умумлашма ва хулосалар бевосита журналистик амалиётдан олингани сабабли ундан тележурналистлар, мутахассислар касб маҳоратини оширишда, ёш журналистларда касбий кўникмаларни шакллантиришда фойдаланилиши мумкин.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Ишда баён этилган илмий-назарий хулоса ва амалий тавсиялар дисертант томонидан қуйидаги Республика илмий-амалий анжумани материалларидаги илмий мақолалар тўпламида ва журналларда эълон қилинган:

1) “Билим ва иқтидор – ғурур ва ифтихор уйғотади” (“Соғлом авлод учун” журнали 2013 йил 1-сон);

2) “Таълимнинг ойдин йўли” (“Соғлом авлод учун” журнали 2013 йил 8-сон);

3) “Гўзал тарбиянинг гўзал ижодкорлари” (“Соғлом авлод учун” журнали 2013 йил 9-сон);

4) “Интеллектуал салоҳиятли хотин-қизлар ижтимоий фаоллиги – жамият тараққиётини таъминлашнинг муҳим омили” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материалларидаги илмий мақолалар тўпламида “Ёшларга оид давлат сиёсати: моҳият ва мақсад” (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети 2014 йил 16 апрель).

Диссертациянинг тузилиши. Магисрлик диссертацияси кириш, адабиётлар шарҳи, 6 фаслдан иборат 3 боб, хулоса, адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, илмий янгилиги, мақсад-вазифалари, объекти, предмети, назарий-методологик асослари, назарий-амалий аҳамияти, тузилиши асослаб берилган.

Биринчи бобда мамлакатимизда спортга берилаётган эътибор ва оммавий ахборот воситаларида бу ўзгаришларнинг ёритилишига эътибор қаратилади. Ўзбекистон спортининг мустақиллик йилларида ривожланиши мисоллар орқали очиқ берилган. 2012 йилнинг “Мустақкам оила йили”, 2013 йилнинг “Обод турмуш йили”, 2014 йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши муносабати билан жойларда амалга оширилган ишлар ва уларнинг оммавий ахборот воситаларида, хусусан ТВда ёритилиши масалалари ҳақида сўз юритилган. Ўзбекистонда спорт журналистикасининг ривожланишига доир қарашлар ўз ифодасини топган. Телекўрсатувларда оммавий ва болалар спорти мавзуси бевосита таҳлил этилган.

Ишнинг иккинчи боби эса телевидениеда спорт журналистикасининг ривожланиш масалаларига, хусусан болалар футболга оид чиқишларга бағишланган. Телекўрсатувлардаги чиқишлар таҳлил этилиб, энг асосий мавзу ва муаммолар таҳлилга тортилган. Кўрсатувларнинг таъсирчанлиги, асосий хусусиятлари, режиссураси борасида айрим фикрлар айтилган. Журналистлар тили ва услуби борасидаги муаммо ва камчиликлар таҳлилга тортилган.

Учинчи бобда эса “Спорт” каналидаги “Хабарлар” информацион дастурининг ўзига хос хусусиятлари, унда берилаётган чиқишларнинг бош мавзулари, журналистлар тажрибаси, услуби борасида муайян фикр-мулоҳазалар айтилган.

Хулоса қисмида тадқиқотнинг асосий натижалари баён этилади. Спорт мавзусидаги материалларда ўз аксини топган асосий муаммолар аниқланади. Уларни бартараф этиш бўйича илмий асосланган тавсиялар берилади.

Иш сўнгида фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар тақдим этилган.

1-БОБ. МИЛЛИЙ ТЕЛЕКАНАЛЛАРДА ОММАВИЙ ВА БОЛАЛАР СПОРТИ МАВЗУСИ

1.1.Ўзбекистонда спорт соҳасидаги ислохотлар

Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонунининг 1-моддасида “Жисмоний тарбия Ўзбекистон Республикаси халқлари миллий маданиятининг ажралмас қисми, жисмоний ва маънавий камолотнинг муҳим воситаси бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг халқлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт ишига хизмат қилади.

Ушбу Қонун жисмоний тарбия ва спорт, шу жумладан спортнинг техник турлари соҳасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради” дея кўрасиб ўтилган. Мамлакатимиз раҳбари ҳам бу борада бир неча марта чиқишлар қилган. Тизимли равишда ташкил этиладиган спорт мусобақалари аллақачон халқ қалбидан жой эгаллаб улгурган. Айнан шу қонуннинг 2-моддасида “Фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ҳуқуқлари” ҳам ўз ифодасини топган. “Ўзбекистон Республикасининг фуқарolari жинсидан, ёшидан, миллатидан, динидан, мулкый ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш йўналишидаги жамоат ташкилотларига бирлашиш, жисмоний тарбия-спорт ҳаракатини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эгадир.

Давлат жисмоний тарбия ва спортни, шу жумладан спортнинг техник турларини ривожлантиришга маблағ ажратади, бу соҳада давлат бошқаруви идораларини тузади, аҳолининг барча гуруҳларини жисмоний чиниқтириш тизимини ишлаб чиқади, мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш ҳамда фуқароларнинг бу борадаги манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш

ишларини уюштиради, жисмоний тарбия-спорт индустрияси ва инфраструктурасини ривожлантиради”.

Ёш авлод ҳисобланмиш болаларнинг жисмонан ҳар томонлама камол топиши ва саломатлиги тўғрисида қайғуришлари, жисмоний тарбия-спорт машқлари учун уларга зарур шароитлар яратиб беришлари ҳамда соғлом турмуш тарзида ота-оналарнинг ўзлари шахсан намуна кўрсатиб келмоқдалар.

Агар эътибор берадиган бўлсак, ўтган йиллар давомида қуйидаги соҳаларга алоҳида эътибор қаратилди:

- болалар спорти диққат марказидаги биринчи масала сифатида ўртага ташланди ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилди;
- аёллар спорти бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, аёллар ўртасида спорт мусобақалари ҳам ўтказилиши йўлга қўйилди;
- оммавий спортга алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Бунинг боиси, ота-она спортга бефарқ бўлмаса, бола ҳам уларга ҳавас қилиб спортга меҳр қўяди.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда

- жисмоний тарбия-спорт жамиятлари;
- спорт федерациялари;
- спорт уюшмалари;
- жамғармалар;
- жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт йўналишидаги жамоат бирлашмаларининг ҳиссаси жуда юқори.

Жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт йўналишидаги жамоат бирлашмалари ўз фаолиятларини “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ олиб бормоқдалар.

Айни пайтда спорт соҳасида мунтазам оммавий тадбирлар олиб бораётган асосий давлат ва нодавлат ташкилотлар сифатида қуйидагилар:

Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва вазирлик ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Маҳалла” хайрия жамғармаси каби қатор ташкилотлар номини келтириб ўтиш мумкин. Уларнинг ҳар бири мамлакат миқёсида ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этади.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси миллий Олимпия қўмитаси мавжуд бўлиб, Ўзбекистон Республикасида Олимпия ҳаракати:

- Олимпия ғоялари ва қоидаларини оммалаштиришни, ёш авлодни ўзаро ҳамжиҳатлик ва дўстлик руҳида тарбиялашни;
- аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ташвиқот қилишни;
- Ўзбекистон Республикаси спортчилари Олимпия ўйинларида қатнашишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Ўзбекистон Республикасида Олимпия ҳаракати Ўзбекистон Республикаси миллий Олимпия қўмитаси томонидан йўналтириб турилади ҳамда бошқарилади. Бу қўмита ўз фаолиятини Олимпия хартиясига асосан амалга оширади.

Қонунга кўра, “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари профессионал спорт билан шуғулланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Профессионал лигалар, уюшмалар, клублар ва бошқа профессионал ташкилотлар тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби, спортчилар билан битимлар ҳамда меҳнат муносабатларининг бошқа шакллари тузиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг жисмоний тарбия ва спорт давлат бошқаруви идоралари томонидан меҳнат ва ижтимоий масалалар бўйича тегишли давлат идоралари билан ҳамкорликда халқаро спорт ташкилотларининг уставлари, хартияси, низомлари ва бошқа ҳужжатларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади”⁷.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни, www.lex.uz

Жисмоний тарбия ва спортни, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишни эса: “Матбуот, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари, жисмоний тарбия ва спорт давлат бошқаруви идоралари, соғлиқни сақлаш идоралари, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт йўналишидаги жамоат бирлашмалари аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортни кенг тарғиб этишни таъминлайдилар.

Спортда шафқатсизлик ва зулмни, инсон кадр-қимматини камситишни, киши саломатлигига зарар етказувчи таъқиқланган гиёҳларни қўллашни тарғиб қилишга йўл қўйилмайди”⁸. Айни пайтда спорт тарғиботи билан қуйидаги оммавий ахборот воситалари шуғулланмоқда:

- республика миқёсида чоп этиладиган марказий нашрлар ва айни пайтда вилоят, туман газеталари;

- спортга ихтисослашган давлат ва нодавлат махсус нашрлари (“Ўзбекистон футболи”, “Спорт”, “Чемпион”, “Футбол-экспресс”, “Интерфутбол” ва бошқалар);

- махсус спорт турларига, хусусан футболга ихтисослашган сайтлар Ўзбек Футбол Фанатларининг www.uff.uz сайти, Ўзбекистон Футбол Федерацияси расмий www.The-uff.uz, www.uzfootball.com сайти, www.uz-football.vo.uz (Ўзбекистон футболи янгиликлари), www.interfutbol.uz "ИнтерФУТБОЛ" газетаси расмий сайти, футбол клублар расмий сайтлари www.pakhtakor.uz, www.fcneftchi.uz, www.fcandijon.uz, www.fkmashal.com, www.pfc-kuruvchi.com ва бошқа йўналишдаги www.manutd.uz, “Манчестер Юнайтед - Ўзбекистон”, www.lokomativ.ucoz.ru "Локомотив" Тошкент фанатлар сайти, www.sam-dinamo.vo.uz "Самарқанд-Динамо" фанатлари сайти, www.fc-arsenal.vo.uz "Арсенал-Центер" - фанатлар сайти, www.fc-navbahor.narod.ru "Навбахор-Н" фанатлар сайти кабилар;

- хусусий ва давлат радиоканалларида доимий равишда спорт мавзуси ёритилади;

- “Спорт” телерадиоканали;

⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни, www.lex.uz

- спортга доир ташкилотларнинг матбуот хизматлари ҳам тарғибот-ташвиқот ишларида фаол иштирок этадилар.

Ўтган йиллар давомида спортга жуда катта эътибор билан қаралди. “Соғлом авлод йили”, “Сиҳат-саломатлик йили”, “Обод турмуш йили”, “Ёшлар йили” каби номлар остида хайрли ишлар амалга оширилди. Бу ишларга мамлакат раҳбари бошчилик қилди, Давлат дастурларида бу ўз ифодасини тўлиқ топди, деб айтиш мумкин. Давлат ва жамоат ташкилотларининг бирортаси бу Дастурдан четда турган эмас. Улар оммавий тарзда турли соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи тадбирлар, спорт мусобақалари ташкил этиб ўз иштирокларини таъминлаш билан бирга, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлод тайёрлаш ишида ўз хиссаларини қўшдилар. Ана шу бошланган ишларнинг мантикий давоми сифатида 2014 йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши, уларга бўлган эътиборни яна бир бора оширди. Аввало, таъкидлаш керак, чекка-чекка қишлоқларда қад ростлаган касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда таълим сифатини яхшилаш, шарт-шароитларни аъло даражада ташкил қилиш бош вазифа сифатида қўйилар экан, спорт залларига, спорт майдончаларига жуда катта эътибор қаратилди. Соғлом авлодни тарбиялаш асосий мақсад экан, уларга спорт билан шуғулланиш учун имконият, шарт-шароит кераклигини Президент қайси вилоятга сафар қилмасин, алоҳида таъкидлайди. Коллеж ва лицейлардан сўнг босқичма-босқич мактабларни ҳам давр талабалари асосида барпо этиш, қайта қуриш ва таъмирлаш каби вазифалар кўндаланг қўйилди. Бунда ҳам катта эътибор спортга қаратилди. Спортга эътибор давлат даражасига кўтарилди.

Мактаб ўқувчилари ўртасида мунтазам ташкил этиб келинаётган “Умид ниҳоллари”, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчилари ўртасидаги “Баркамол авлод”, олий ўқув юртлари талабалари ўртасидаги “Универсиада” спорт мусобақалари – минни олимпиада вазифасини бажармоқда. Мазкур спорт мусобақаларда ғалабага эришган ёшлар жаҳон

ареналарида ҳам мамлакат шарафини ҳимоя қилаётганларини айтиб ўтиш зарур.

Ўтган йили ушбу соҳада эътироф этишга арзигулик кўплаб воқеликлар бўлди. Ўтказилган турли мусобақалар, қайд этилган натижалар ўзбек спорти нуфузининг янада юксалишига хизмат қилди. Табиийки, бу муваффақиятлар жорий йилда ҳам зафарли одимларнинг давом этиши учун пойдевор вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги “Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига биноан “Спорт” телеканали ташкил этилган. Ўзбекистон телевидениеси таркибида фаолият олиб боровчи “Халқаро телеканал” “Спорт” телеканалига айлантирилди. Каналнинг энг асосий мақсадлари:

- аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиботини кучайтириш;
- болалар спортини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиш;
- миллий спорт турларини тарғиб қилиш;
- халқаро саҳналарда юртдошларимиз иштироки ва ютуқларини мунтазам ёритиб бориш деб белгиланди.

“Спорт” телеканалда ҳозирда 150 дан ортиқ ишчи-ҳодим фаолият юритади. Канал кўрсатувлари ўзбек ва рус тилларида намоиш этиб келинмоқда. Дастлабки йилларда юртимиз ва жаҳонда бўлиб ўтган йирик мусобақаларни мухлисларга етказиб беришда Мирзаҳаким Тўхтамирзаев, Ақром Тошхўжаев, Азим Алиев, Комил Жумаев, Қўзижон Ҳакимов, Элдор Мустафоев каби ижодкорлар самарали фаолият юритдилар. Аммо, вақт ўтиши билан айрим лойиҳалар ва уларнинг муаллифлари телевидение соҳасидан баъзи сабабларга кўра четлатилди. Ваҳоланки, уларнинг бу соҳада тажрибаси бор эди. Мисол учун, “ФИФА”(Футбол ичида, футбол атрофида) – ҳар жиҳатдан мантиқли кўрсатуви билан томошабин эътиборини торта олган эди. Айни пайтда на кўрсатув, на муаллиф каналда фаолият олиб боряпти. 2005 йил сўнгидаги ўзгаришлардан сўнг “Спорт” телеканали ва

“Машъал” радиоканали кўшилиб, “Спорт” телерадиоканали Давлат унитар корхонаси кўринишида ўз фаолиятини олиб борапти.

Канал дастурларини тизимли равишда кўриб чиқадиган бўлсак уларни бир неча гуруҳларга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга, болалар спортга бағишланган кўрсатувлар каналдан кенг ўрин ола бошлади. Соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи бундай лойиҳаларга “Болалар спорти”, “Қувноқ стартлар” кўрсатувларини киритиш мумкин. Болалар учун яратилган шарт-шароитлар дастурларда ўз ифодасини топа бошлади. Бугунги кунга келиб “Спорт” телерадиоканали республикаимизнинг 94,5 фоиз ҳудудини камраб олган. Юртимизда жисмоний тарбия ва спортга қаратилаётган эътибор ҳамда аҳолининг соғлом турмуш тарзига катта қизиқиши телеканал аудиториясининг қанчалик кенг эканлигидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида, телеканал ижодкорларига катта масъулият юклайди.

Иккинчи гуруҳга, халқ ўйинларини тарғиб этувчи кўрсатувларни киритиш мумкин. Мисол учун, “Қураш”, “Халқ ўйинлари” каби кўрсатувларни киритиш мумкин.

Учинчи гуруҳга, оммавий спорт мусобақаларини ёритувчи кўрсатувларни мисол сифатида келтириш мумкин. Яъни, “Футбол шарҳи”, “Гол” каби лойиҳалар, футбол, волейбол ва бошқа оммабоп мусобақаларни айтиб ўтиш жоиз.

Тўртинчи гуруҳга эса, трансляциялар киради. Дунёнинг турли давлатларида бўлиб ўтадиган мусобақалар тўғридан-тўғри ёки ёзиб олиниб, эфирга узатиб келинмоқда. Мисол учун, Осиё чемпионати, Осиё чемпионлар кубоги, Олимпиада ўйинлари, Жаҳон чемпионати ва бошқаларни киритиш мумкин.

Бешинчи гуруҳга, вилоятлар спортга бағишланган махсус кўрсатувларни келтириб ўтиш керак. Канал ижодкорлари вилоятлар билан тўғридан-тўғри эфирда мулоқот олиб боришади. Мисол учун, Андижон-Бухоро, Навоий-Сурхондарё вилоятлари билан ўтказилган телекўприкларда

мамлакатимизнинг чекка жойларида спортга бўлган эътибор, болаларни оммавий спортга жалб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди. Ушбу ҳудудлардаги мутасадди раҳбарлар ва мутахассислар телемулоқотга жалб қилиниб, уларнинг спортни ривожлантириш борасидаги фикр-мулоҳазалари тингланди.

Олтинчи гуруҳга, аёллар спортини ривожлантиришга қаратилган кўрсатувларни киритиш мумкин.

Кўрсатувларнинг жанр хусусиятларига тўхталадиган бўлсак, бадий-публицистик жанрдаги кўрсатувлар канал эфирларидан кенг ўрин олган. “Тақдир чизгилари”, “Аёл ифори”, “Болалар спорти” кўрсатувлари асосан мазкур жанрларда эфирга узатилади. “Брейн ринг” деб номланган Ғанишер Раҳматуллаевнинг спортга бағишланган телеўйин жанридаги кўрсатувни ҳам киритиш мумкин. Бундан ташқари, таҳлилий жанрдаги кўрсатувлар ҳам мавжуд. Буларга “Футбол шарҳи” кўрсатувини киритиш мумкин. Шунингдек, жонли эфирга узатиловчи “Гол” телелойиҳаси эътиборни тортувчи энг асосий интерактив усуслдаги кўрсатувлардан ҳисобланади. “Вилоят спорти” кўрсатувни таҳлилий жанрлар тизимидаги “Телекўприк” жанрида тайёрланади. Кўрсатувда “Дув-дув гап”, “Стать ближе”, “Қўша қаринг” деб номланган ток-шоу жанридаги кўрсатувлар ҳам мавжуд.

2012 йилнинг “Мустаҳкам оила йили”, 2013 йилнинг “Обод турмуш йили”, 2014 йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши муносабати билан махсус кўрсатувлар ҳам эфирга узатила бошланди. Турли спорт мусобақаларида ғалабага эришган ёшлар ҳақида маълумот берувчи чиқишларни мисол қилиб келтириш мумкин. Сўнгги “Универсиада” мусобақаларида ютуқларга эришган ёшлар ҳақида мунтазам маълумотлар бериб борилмоқда.

“Спорт” телеканали ходимлари айнан ёшлар қалбига йўл топиш, уларга соғлом турмуш тарзи афзалликлари хусусида етарлича маълумот бериш, берилаётган ҳар бир маълумотни ўзига хос тарзда мухлисларга етказиш учун

бор билим ва маҳоратларини ишга солишяпти. Журналистлар ва ижодий гуруҳ аъзоларининг тажрибаси ҳам ана шунда намоён бўляпти.

“Миллионлар диққатига ҳавола этиладиган телеэкран асари интеллектуал ижод намунаси, санъат тури бўлгани ҳолда, у малакали мутахассислардан иборат бўлган ижодий гуруҳларнинг фаол иштироки натижасида яратилади. Бу ижодий гуруҳ журналист, режиссёр, тасвирчи, мусикий безакчи, монтаж устаси, чироқ устаси, кранчи-мутахассислардан иборатдир”⁹ деб ёзади муаллиф телевидение режиссураси ҳақидаги мақоласида. Кўрсатув тайёрлашда ҳар бир касб эгасининг тутган ўрни жуда юқори. Кўрсатув муваффақияти фақат муаллиф маҳоратига боғлиқ эмас. Телевизион лойиҳада тасвирлар турли ракурсларга қараб белгиланади. Бошловчи ўзи истаган ҳолда турли нуқталардан кўрсатувни олиб бориши, у гоҳ экспертлар ҳузурида, гоҳ томошабинлар ичида бўлиши мумкин. Ҳар қандай маҳорат мақсадга қараб интилишдан, шу мақсад йўлида муттасил фикр юритиш, таҳлил қилиш, жаҳон тажрибасини ўрганиш, изланиш, ўз иши, яратган асарини дунёдаги энг буюк асарлар намуналари билан таққослаш, катта тажриба тўплаш ва сўзлар билан ифода қилиб бўлмайдиган, ҳар бир ижодий шахс онги, шуури билан етадиган чўққиларни эгаллашдан ва бошқа муқаддас тарифу тавсифларга риоя қилишдан бошланади. “Спорт” телеканалида кейинги пайтда режиссурага алоҳида аҳамият билан қаралаяпти. Буни таъкидламасдан ўтиб бўлмайди.

“Спорт” телерадиоканали ходимлари турли спорт тадбирларини ёритиш, мавзу тафсилотларини интерактив равишда томошабинларга атрофлича етказишда астойдил хизмат қилишади. Соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни оммавий спортга жалб қилиш борасида олиб борилаётган ислохотлар, юртдошларимизнинг оламшумул ғалабаларини турли ижтимоий видеороликлар орқали оммага етказишда тинимсиз изланишлар олиб бормоқда.

⁹ Абдухолиқов И. Телевидение режиссураси, “Садо” газетаси 2007 йил 11 январь

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчи ёшлари ўртасида бўлиб ўтадиган “Баркамол авлод” спорт мусобақаларининг тафсилотлари, мазмун-моҳияти, бу ўйинларнинг ёшлар ҳаётида тутган ўрни, соғлом авлодни тарбиялашдаги аҳамияти жонли лавҳаларда ўз ифодасини топди.

Ўтган йиллар давомида “Спорт” телеканалида қатор янги лойиҳалар ишлаб чиқилиб, улар ҳаётга кенг татбиқ этилди. Жумладан, “Болалар спорти, оммавий спорт ва халқ ўйинлари” бош муҳарририяти томонидан ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи “Шижоат”, фахрий спортчилар ва мураббийлар ҳақида ҳикоя қиладиган “Тақдир чизгилари”, хотин-қизларни оммавий спортга жалб этиш, қизларимизнинг муваффақиятларини ёритувчи “Спортимиз маликалари”, “Жозиба” туркум кўрсатувлари янгича қиёфада хонадонларга кириб борди. Бундан ташқари, “Спорт уик энд”, “Тет-а-тет”, “Баркамол авлод”, “Спорт менинг ҳаётим”, “Рондо”, “Автограф”, “Звёздный матч”, “Стать ближе”, “Фоторевью” кўрсатувларида ҳам замондошларимиз ҳаётидаги муҳим воқеликлар таҳлил, тафсилотлар билан ёритилди.

Шунингдек, ходимлар малакасини ошириш мақсадида турли хорижий давлатларга сафарлар уюштирилди. Бир неча ижодий ва техник ходимлар Миср, Туркия, Малайзия, Япония каби дунёнинг йирик мамлакатларида ўқув амалиётларида бўлиб қайтишди. Бундан ташқари, “Спорт” телерадиоканали билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйган Қашқадарё, Хоразм ва Наманган вилояти телерадиокомпанияларининг ходимлари ўзаро фикр алмашиб, ҳамкорликда кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаб, бир қатор янги режаларни амалга ошириб келишмоқда.

Соғлом авлодни тарбиялаш ишларига асосий эътибор қаратилаётган бугунги кунда қишлоқларимизда қад ростлаган, энг кўркем ва замон талабларига жавоб берадиган спорт иншоотларининг илғор технологиялар асосида тайёрланган жиҳозлар билан таъминланиши бу йилда ҳам жадал суръатларда давом этади ва у ерлардан ҳам Осиё ва жаҳон чемпионлари етишиб чиқади, деган

умиддамиз. Бундай ютуқларни томошабинларга бекаму-кўст етказиш телерадиоканал ижодкорларидан изланувчанликни талаб этади.

"Спорт" телерадиоканали ижодкорлари ҳам бу йил учун қатор режаларни амалга оширишни мақсад қилиб олишди. Ҳар бир муҳарририятнинг вазифалари белгилаб берилди. Телерадиоканалнинг асосий кўрсатувлари тайёрланадиган "Болалар спорти, оммавий спорт ва халқ ўйинлари" бош муҳарририяти томонидан ишлаб чиқилган режадан қишлоқда оммавий спортни ривожлантириш ва бу ерлардан моҳир спорт усталари етишиб чиқиши учун, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида олиб борилаётган ишлар, тадбирларни ёритиш асосий ўрин олган. "Баркамол авлод" кўрсатувида ана шу ҳақда атрофлича сўз юритиб борилади.

"Маҳалламиз паҳлавонлари", "Соғлом оила", "Халқ ўйинлари" сингари кўрсатувларда қишлоқ жойларидаги ибратли маҳалла ва оилалар, кенг тарқалган миллий ўйинлар ёриштилади. Бундан ташқари, "Спорт уик энд", "Тет-а-Тет", "Спортимиз маликалари" кўрсатувлари, "Қувноқ стартлар" телемусобақасида ҳам бугуннинг долзарб масалалари ўз аксини топади.

1.2. Телекўрсатувларда оммавий ва болалар спорти мавзуси

Мамлакатимизда "Спорт журналистикаси" мутахассислиги бўйича магистр кадрлар тайёрлашга киришилган бўлса-да, Ўзбекистонда спорт журналистикасини илмий ва амалий нуқтаи-назарда асослаб берувчи адабиёт мавжуд эмас. Бу йўналишда бир қанча журналистлар иш бошлаган бўлишса-да, уни яқунлаш ҳозирга қадар ҳеч кимга насиб этмади. Спорт журналистикаси ҳақидаги тасаввурларни фақатгина матбуотда чоп этилган мақолалар, битирув малакавий ишлари билангина қисман асослаш мумкин. Бироқ бу нарса бутун бошли соҳа учун анча камлик қилади.

Ҳозирга қадар Ўзбекистонда маданият ва спорт соҳалари журналистикада тармоқлашиб улгурди. Спорт журналистикасининг ўзи амалда тармоқларга бўлиниб бораётган бўлса-да, журналистика

факультетлари спорт соҳасини алоҳида йўналиш сифатида талқин қилишга улгуришмади.

У хоҳ телевизион бўлсин, хоҳ матбуотдаги спорт журналистикаси ўзининг ихтисослашувига эга. Футбол, кураш, енгил ва оғир атлетика, яккакурашларни умумий қилиб олсак, уларни алоҳида талқин қилувчи футбол журналисти, кураш ёки теннис журналисти каби тушунчалар пайдо бўлганига гувоҳ бўламиз. Ўзбекистондаги мавжуд спорт шарҳловчилари борасида олиб қарайдиган бўлсак бу нарса янада аниқроқ намоён бўлади. Футболда Ахбор Имомхўжаев, Давлат Турдиалиев кабилар, боксда Даврон Файзиев, яккакурашларнинг бошқа турларида Сиёвуш Ҳошимов, курашда Мусурмон Элмуродов, теннисда Ғанишер Рахматуллаев, гимнастикада Татьяна Полонская, волейболда Рихситилла Умаровлар катта тажрибага эгалар. Кадрларнинг тақчиллиги сабаб юқоридаги шарҳловчилар бошқа спорт турлари учун ҳам масъул бўлишлари мумкин. Лекин бу нарса ютуқдан кўра камчиликка яқинроқдир. Ихтисослашган спорт журналисти универсалига қараганда тажрибалироқ бўлиши мумкин. Спорт оламида ҳар дақиқа минглаб янгиликлар дунё юзини кўришини инобатга олсак, универсал спорт журналисти табиийки, уларнинг барчасини кузатиб бора олмайди.

Барча спорт турларини бирдек тушунадиган Азим Алимов, Рихситилла Умаров каби журналистларимиз бор. Бироқ улар ҳам спорт журналистикасини илмий асослаб берувчи адабиёт яратишга жазм этишмаган. Буни оддий изоҳлаш мумкин. Биргина спорт турига ихтисослашиб уни шарҳлаб бориш мумкин, лекин спорт журналистикасини илмий томондан ўрганиш учун бир қатор соҳалардан бохабар бўлиш талаб этилади. Айни пайтга келиб шарҳловчиларимиз ТВдаги фаолиятлари билан чекланиб қолишмоқда. Спорт журналистикаси борасида илмий изланиш олиб боришга улар жазм этишмаган.

2005 йил Россияда чоп этилган “Спортивная журналистика” ўқув-қўлланмаси бир қатор спорт журналистикаси мавжуд факультетлар учун қўл келмоқда. С.А.Михайлов ва А.Г.Мостовлар журналистикадаги спорт

йўналиши борасида бир қатор изланишлар олиб боришган. Умуман олганда бу ҳол журналистикада янгилик эмас. Спорт мухлисларига сир эмаски, 2014 йил Россиянинг Сочи шаҳри қишки олимпиа ўйинларига мезбонлик қилди. Ушбу воқелик сабаб Москва давлат университетининг “ОАВ иқтисодиёти ва назарияси” кафедрасида спорт журналистикаси ихтисослиги ташкил қилинган. “Жаҳонда спорт журналистикасининг ривожланиб бораётгани, мамлакатимизнинг спорт етакчиси сифатида обрўсини ошириш, Сочи-2014 Олимпиада ўйинлари арафасида спорт журналистикаси ОАВнинг истиқболли йўналишларидан бирига айланишда. Шу муносабат билан МДУ журналистика факультети “Спорт журналистикаси” мутахассислигини тақдим этади¹⁰. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Россия спорт журналистикасини Сочи-2014 олимпиадаси сабаб илмий томондан ўрганишга киришган бўлса, Ўзбекистон 2012 йилги жаҳон чемпионати арафасида бу ҳаракатни бошлаб юборди. Йирик мусобақалар эса бу каби ишга асос бўлиб хизмат қилади.

Бу соҳада мамлакатимизда ҳам қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ўсиб келаётган ёш авлодни интеллектуал салоҳиятини оширишда, билим ва дунёқарашини кенгайтиришда оммавий ахборот воситаларининг, хусусан телевидениенинг ўрни жуда катта эканлигини ҳеч ким инкор этмайди. Телевидениенинг таъсир доираси анча кенг бўлиб, экранга чиқаётган ҳар бир телемахсулот, унинг бошловчиси, сериаллар тезда машҳурлик даражасига кўтарилади ва танилади. Ўзбек миллий телевидениесида сериал, кино ва мусикий дастурларга кенг ўрин бериляпти. Кейинги йилларда ток-шоу жанридаги кўрсатувлар ва интеллектуал ўйинлар телевидение экранларига кенг тарқалди. Бугунги кунда ток-шоулар ва интеллектуал ўйинларнинг ривожланганлик ва ҳамда кенг тарқалганлик хусусияти бизнинг мамлакатимизга қараганда Ғарб мамлакатларида юқорироқ ҳисобланади. Жумладан Россия телевидениесида ҳам бу икки йўналишдаги кўрсатувлар анча тараққий этган.

¹⁰ www.journ.msu.ru (Москва давлат университетининг расмий веб-сайти)

Маълумотларга қараганда, интеллектуал ўйинлар тарихи қадимги Юнонистонга бориб тақалади. Юнон файласуфларининг ўз шогирдлари билан савол-жавоблар ташкил қилганликлари тарихда муҳрланиб қолган. Даврлар ўтгани сари ўйинлар ҳам такомиллаша борган. Маслан, ўрта асрларда Европа мамлакатларида аукцион тарзидаги ўйинлар ташкиллаштирилган. Унда бир киши савол ўқиган ва ким биринчи жавоб берса, совға берилган.

20-асрнинг 80-йилларида Англия ва Францияда “Мантикий ўйин” деб номланган, анчагина салоҳият талаб этадиган ўйинлар ўтказиб турилган. Унинг шarti қуйидагича бўлган. Саҳнада пантомимачи актёрлар томонидан машҳур ёзувчиларнинг асарларидан парча ижро этилган. Томошабинларга эс асар муаллифи, номи ва шу кўринишдан кейинги саҳна қандай бўлишини топиш вазифаси юклатилган. Орадан унча кўп вақт ўтмай Россия телеканалларида интеллектуал ўйин кўринишлари пайдо бўла бошлади. Масалан, КВНда мантикий саволлар берила бошланди.

1978 йил Владимир Яковлевич Ворошилов томонидан Россия телевидениесида доимий клуб ташкил этилди. Унга алоҳида эфир ажратилди. Телевидение бу лойиҳага имконият берди ва қўллаб-қуватлади. Шунинг учун ҳам “Что? Где? Когда?” кўрсатуви анча йиллардан буён катта экранлардан тушмай келмоқда.

В.Ворошилов ўлимидан сўнг клубни унинг ўғли Борис Крюк ўз қўлига олди. У кўрсатувга ҳам муаллифлик, ҳам продюсерлик, ҳам режиссёрлик, ҳам бошловчилик қилди. Шу билан бирга ўйинда иштирок этаётганларга ўз ақли билан пул ишлаб топиш имкониятини берди. “Что? Где? Когда?” пул ишлашнинг ақлий йўлига айланди¹¹.

Бизнинг миллий телевидениеда мазкур кўрсатув таъсирида “Заковат” интеллектуал ўйини пайдо бўлди. Кейинчалик, улар қатори кенгайиб “Қилни қирқ ёриб”, “Интеллектуал аукцион”, “Зийрак”, “Интеллектуал ринг” каби ўйинлар қўшилди.

¹¹ <http://www.nokia.ru> сайтидан

“Спорт” телеканали дастурларини кузата туриб, узатилаётган халқаро спорт мусобақалари шарҳи, спортга доир кўрсатувлар орасида Ғанишер Раҳматуллаевнинг “Брейн ринг” кўрсатуви алоҳида ўрин тутаётганини айтиб ўтиш жоиз. Унда турли ёш ва касбдаги иштирокчилар жамоа бўлиб ўйинда катнашадилар. Эфирга узатилаётган ўйинда қуйидаги йўналишларда саволлар берилади:

- аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишнинг тарихий ва халқаро талаблари;
- спорт мусобақалари қонун-қоидалари;
- оммавий спорт ўйинлари мавзусидаги саволлар;
- миллий спорт турлари, халқ ўйинларига оид саволлар;
- жаҳон спорти тарихидаги ҳолат ва жанглار тўғрисидаги ўткир савол-жавоблар олиб борилади.

Болаларга бағишланган интеллектуал чиқишлар “Спорт” каналида ҳам мавжуд. “Орзулар кемаси” интеллектуал телеўйиннинг мақсади кўпроқ билимни оширишга, географияни ўрганишга қаратилгани билан қизиқарли. Кўрсатувда фақат битта шартда спортга оид саволлар берилади. Тошкент шаҳри Ҳамза туманидаги 216-мактабининг 7-синф ўқувчилари икки жамоага бўлиниб иштирок этдилар. “Ватанпарварлар” ва “Фидоийлар” жамоалари “Янги Зеландия саёҳати”га чиқишди. Бошловчи томонидан биринчи шартда Янги Зеландия давлати ҳақида умумий маълумот берилган бўлса, кейинги шартда Янги Зеландия спортига оид саволлар берилди¹². Давлатнинг миллий спорт тури, навбатдаги қайси спорт мусобақасида Янги Зеландия мезбонлик қилишга талабгор бўлаётганилиги ҳақидаги саволлар.

“Ринг қироллари” дастури “Ёшлар” телеканалида эфирга чиқадиган, мухлисларнинг энг яхши кўрадиган дастурларидан ҳисобланарди. Ҳар якшанба куни ушбу кўрсатув мухлислар эътиборига ҳавола этиларди. Жаҳон рингларида бўлиб ўтаётган ва бўлиб ўтган бокс мусобақалари шарҳловчи Даврон Файзиев талқинида экранга чиқарди. Айтиш жоизки, кўрсатувнинг

¹² “Орзулар кемаси”, 15.06.2014.

мавқеи жуда юқори. Икки йирик боксчи Николай Валуев ва Руслан Чагаевлар ўртасида бўлиб ўтган жанг “Ринг қироллари” дастурида шарҳланганди. “Спорт” телеканалида эса “Проф РИНГ” дастурида, номидан ҳам кўриниб турибдики, профессионал рингларда бўлиб ўтадиган энг муҳим бокс мусобақалари ҳақида сўз юритиларди. Мусобақаларни Элдор Мустафоев шарҳлаб борарди. Айни пайтда эса Даврон Файзиев, кейинчалик Сиёвуш шарҳлай бошлади. Сифат масаласида айрим муаммолар бўлиб, жумладан шарҳда терминлар етишмаслиги панд беради. Бу эса сшз такрорига сабаб бўлади.

Юртимизда жисмоний тарбия ва спорт мусобақаларига тайёргарликни ташкил этиш ва уни қўллаб-қувватлашга оид ташкилий-ҳуқуқий масалалар юзасидан кўплаб қарор ва Фармонлар қабул қилинди. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил январда “Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил июндаги “Ўқувчи ва талаба-ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз спорт мусобақалари тизимини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорида умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабаларининг “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва “Универсиада” спорт мусобақалари ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланиши Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Миллий Олимпия қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда жамоат ташкилотлари томонидан таъминланиши белгилаб қўйилди. Шу асосда телеканал ижодкорлари болаларга бағишланган махсус кўрсатувларни намоиш этиб келмоқда. Мисол учун, ҳар тонг “Спорт майдончаси” дастури эфирга узатилади. Унда “Тонгги машқлар”,

“Спортландия” кўрсатувлари ўрин олган. Эрталабки болалар учун мўлжалланган бадантарбия машқларидан сўнг, бирор-бир спорт тури ҳақида маълумот берувчи, ўша тур билан шуғулланаётган болалар ҳаётидан ҳикоя қилинади.

Қисқа дақиқани камраб олган дастурлар кейинги йилларда барча телеканаллардан муқим ўрин эгалламоқда. Жумладан, каналда мунтазам равишда телевизион роликлар бериб борилади. Мисол учун, “Соғлом бола – соғлом келажак” ролигида қуйидаги фактлар келтирилган¹³:

“Айни пайтда республикамызда 1586 та спорт тури бўйича 65432 та секцияда 2 000 000дан ортиқ ёш шуғулланмоқда. Улардан 842 000 нафарини қизлар ташкил қилади.

2003 йилда спорт билан шуғулланувчилар сони 14,7 %ни ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 43 %га етган. Қизлар ўртасида 17,8% (2003)дан, 37,9 % (2013)га ўсган”.

Албатта, бундай роликлар аудиторияга ўзининг ижобий таъсирини ўтказди, Давлат дастурлари асосида қилинадиган ишларнинг натижаларини намоён қилади.

Шунингдек, каналда “Саломатлик хазинаси” лойиҳаси ҳам эфирга узатилади. Унда саломатликка оид афоризмлар берилиши урфга айланган. Мисол учун Афлотуннинг “Гимнастика тиббиётнинг шифобахш талқини” гапи бир неча марта такрор-такрор берилди. Ҳар куни дастурлардан бундай ҳикматларга алоҳида жой ажратилади.

“...Ҳозирги кунда блоглар ижтимоий ОАВнинг тури сифатида қабул қилинмоқда. Ундаги маълумотларнинг текширилмаганлигига қарамасдан дунёнинг кўп журналистлари улардан ўз материаллари учун фойдаланишмоқда. Масалан, америкалик журналистларнинг 60-70 фоизи ўз маълумотларини шахсий “электрон кундаликлари”га асосланиб тайёрлар

¹³ “Спорт” телеканали, 14.06.2014

экан. Ҳаттоки, “Russian Today” телеканалининг бош муҳаррири А.Николов блогларга “хабар таркатувчи восита” деб ном беришни таклиф қилган”¹⁴.

Ҳозирда интернет тармоғи орқали спорт мавзусини ёритувчи минглаб блоглар бор. Мухлислар ва мутахассислар билан конференциялар ташкил этилган. Соҳа муаммоларига бағишланган чиқишлар ташкил қилинган. Хориждаги Viasat History канали орқали 1966 йилги Жаҳон чемпионатига катнашиб, катта шов-шув қилган Шимолий Корея терма жамоаси ҳақида фильм намоиш қилинди. Фильмнинг оригинал номи "The Game of Their Lives". Интернет сайтларининг бирида мухлислар ана шундай фильмлар “Спорт” каналида ҳам берилишини сўраб хат ёзган. Таклиф сифатида берилган саволга канал директори Д.Турдиалиев жамоа ва спортчилар тақдири ҳақидаги ҳужжатли фильмларни кўпайтиришга ҳаракат бўлаётгани ва миллий қаҳрамонлар ҳақида тасвирга олиш режаси борлигини айтиб ўтган¹⁵. Шулардан бири ўзбек футболининг 100 йиллигига бағишланган ҳужжатли сериалнинг суратга олинаётганидир. Аслида каналда бундай ҳужжатли фильмлар берила бошлаганига анча бўлган. Мисол учун, “30 йилда 30 воқеа Муҳаммад Али” деб номланган ҳужжатли фильмнинг каналда намоиши бўлиб ўтди¹⁶. Афсонавий бокс қироли ҳақидаги мазкур ҳужжатли фильм ишқибозлар учун ўзбек тилидаги йирик премьер вазифасини ўтагани ҳақиқат. Ҳар бир даврнинг ўз юлдузлари бўлади. Санъатда, спортда, кинода, театрда, экранда ва ҳаказо. Бир пайтлар футболда ном қозонган Пеле, Марадонани севадиганлар кўп бўлса, ҳозирда Зенидин Зидан, Бразилиянинг қора танли юлдузлари Рональдо, Ривальдоларни яхши кўрадиган, уларнинг фотосуратларини йиғадиган ишқибозлари, фанатлари бор. “Жаҳон спорти юлдузлари” кўрсатувида ана шундай жаҳоннинг кўзга кўринган спортчилари ҳаёти тилга олинган.

Спорт шарҳловчилигига тамал тошини қўйганлар ҳақида юқорида тўхталиб ўтгандик. Бугун телевидениеда футбол шарҳловчиларидан ташқари

¹⁴ Панкрешкина М. Интернет газетам не конкурент // www.wciom.ru 2008.

¹⁵ www.uff.uz

¹⁶ “Спорт” телеканали 2013 йил 4 июнь

бошқа соҳаларни шарҳлайдиган иқтидорли мутахассислар бор. Рихситилла Умаров, бир вақтлар волейбол спорт тури билан шуғулланганидан ташқари, спортнинг барча турларини яхши тушунади. Керак бўлса, статистик маълумотлар борасида унга тенг келадигани йўқ.

Теннисни шарҳлашда Ғанишер Раҳматуллаев ўз ҳаракатлари билан телевидение мухлисларига таниш бўлиб қолган. Олиб борилган ижтимоий тадқиқотлар натижасида шу маълум бўлдики, шарҳловчилар орасида Ғ.Раҳматуллаев ҳақида кўпчилик етарли маълумотга эга ва машҳурлиги юқори. Жаҳон спортида теннис мавзуси ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида спортни, жумладан, теннисни ривожлантириш, замонавий теннис стадионлари ва кортлари барпо этиш, ёш авлоднинг ушбу спорт тури билан шуғулланиши учун қулай шароит яратишга қаратилаётган улкан эътибор юксак самаралар бермоқда. Мамлакатимизда кўплаб спорт турлари қатори теннис бўйича ҳам йирик спорт анжуманларини юқори савияда ўтказиш яхши анъанага айланган. Ўзбекистон теннис федерацияси спорт оламининг нуфузли ташкилотлари “Профессионал теннисчилар уюшмаси (АТР), Хотин-кизлар теннис уюшмаси (ВТА) ва Халқаро теннис федерацияси (ИТФ) билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри, Наманган, Фарғона, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларида мунтазам равишда халқаро миқёсдаги мусобақаларни ўтказиб келмоқда. Бу ўз навбатида юртимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада мустаҳкамлаш билан бирга, кўплаб теннисчилар етишиб чиқишига хизмат қилмоқда. Кейинги йилларда ўтказилаётган “Челленжер” номи остидаги халқаро турнирларда Ўзбекистонда нуфузли мусобақларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир малакали теннисчилар тарбияланаётгани яна бир бор намоён бўди. Мамлакатимизнинг энг кучли ракетка устаси Денис Истомина поймаётганидаги халқаро турнирни юқори савияда ўтказиб, жуфтлик ҳамда яқкалик баҳсларида ўз маҳоратини кўрсатиб келяпти. Кейинги йилларда теннис бўйича нуфузли турнирлар канал дастурларидан ўрин олмоқда. Ҳар сафар янги номлар, янги истеъдодлар

кашф қилинмоқда. “Тейм-Сет-Матч” кўрсатуви айнан теннисга бағишланган. Унда:

- етакчи теннисчиларимизнинг халқаро турнирларда қандай иштирок этаётгани;
- АТР ва WTA рейтингларидаги ҳолатлари;
- мамлакат теннисига алоқадор янгиликлар;
- жаҳон теннис янгиликларига эътибор қаратилади.

Тенниснинг ҳар иккала турига кенг аҳамият қаратилмоқда. Мисол учун, Термиз шаҳрида ўтказилган “Баркамол авлод” спорт ўйинларида тенниснинг ҳар икки тури бўйича мусобақалар ташкил этилди. Уларнинг аксарияти телеканал дастурларидан ўрин олмоқда. Мисол учун, Францияда бўлиб ўтган аёллар ўртасидаги теннис турнири ҳам олиб берилди¹⁷. Унда моҳир теннисчимиз Окгул Омонмуродованинг иштироқи ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Теннис мавзусидаги мусобақаларни Ғанишер Раҳматуллаев профессионал тарзда шарҳлаб боради.

“Спорт журналистикаси спорт мавзуида, спортчилар ва спорт воқеалари ҳақида ёзиш демакдир. Спорт ривожланиб борар экан, спорт журналистикаси ҳам тараққиётдан тўхтамайди. Спорт мутахассислари, чемпионларнинг ашаддий ишқибозлари бор экан, журналистика улар учун хизмат қилишдан воз кечмайди. Баъзилар спортни “ўйинчоқ” мавзу, баъзилар эса “янгиликлар саҳифасининг қироли” деб аташади. Бугунги кунда спорт оммавийлашиб борар экан, етук спорт журналистикасига эҳтиёж сезилмоқда”¹⁸.

Спорт каналлари учун хос бўлган уч йўналиш – спорт шарҳлари, спортчилар ҳаёти, спорт билан алоқадор ҳодисотлар деб қаралса, аудитория ҳам ўз қизиқишлари бўйича уларнинг биттасини танлайди. Булар орасида спортчилар ҳаёти ёш авлод учун ибрат ва соғлом турмуш тарзининг тимсоли сифатида гавдаланади. Бугунги кунда жаҳон ареналарида, спорт майдонларида ўз номи ва довуғига эга бўлган миллий спортимизнинг кўзга

¹⁷ “Спорт” телеканали, 2011 йил, 19 май

¹⁸ Ғаффорова Н. Спорт ва журналистика. Электрон оммавий ахборот воситаларида маънавий-маърифий масалаларнинг ёритилиши: назария ва амалиёт (илмий мақолалар тўплами) – Т.: ЎзДЖТУ. 2012. -Б-122.

кўринган юлдузлари бор. Миржалол Қосимов, Артур Григорян, Муҳаммақодир Абдуллаев, Руслан Чагаев сингари ном қозонган спортчиларимиз тўғрисида “Ўзбекистон ифтихорлари” кўрсатуви ҳам эфирга узатиляпти. Бундай дастурларнинг ёш авлод тарбиясида алоҳида ўрни бор. “Спорт – менинг ҳаётим” кўрсатувининг 2011 йил 8 апрель сонида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган таэквондо кураши бўйича чемпион Акмал Эргашев тўғрисида ҳикоя қилинди. Юнон Рум кураши бўйича ёшларни тарбиялаётган Ҳаким Латипов ҳақидаги кўрсатув ҳам 2012 йилнинг 6 май куни эфирга узатилди.

Болалар тарбиясида муҳим ўрин тутувчи кўрсатувлардан яна бири “Маҳорат мактаби” телевизион лойиҳасидир. Лойиҳада спорт турлари бўйича мураббийлар ўз тажрибалари билан ўртоқлашадилар. Жумладан, кўрсатувнинг навбатдаги сонида велопойга устаси, мураббий Мавлон Тўраев маҳорат дарсларини олиб борди¹⁹. Кўрсатувнинг кейинги сони бадминтон спорт турига бағишланди. Уни мураббий Алишер Холмирзаев олиб борди²⁰. Велопойгани ҳам, бадминтонни ҳам ўсиб келаётган ёшлар орасида ўз ишқибозлари бор. Кўрсатув хронометражи 18-20 дақиқани ташкил этади. Албатта, бу вақт мобайнида спорт тури ҳақида тўлиқ ахборот олиш мумкин эмас. Ҳар ҳолда “Маҳорат мактаби” номи остида кўрсатув ташкил этиш, ўсиб келаётган ёш авлодда ўша спорт тури ҳақида қандайдир таассуротлар уйғотади.

Шунингдек, Дилноз Муртазоевнинг ҳарбийлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи “Шижоат” кўрсатуви ёшларни Ватанпарварликка, ҳаётни ва юртни севишга ундайди.

Шунингдек, “Мухлисингман спорт!” кўрсатуви ҳам ўз мухлисларини топиб улгургандир. Дастурни Наргиза Муҳамедова олиб боради. Унда турли касб эгаларининг спортга бўлган қизиқишлари тарозига солинади. Кўрсатувнинг 2013 йил 21 апрель сонида Ўзбекистон халқ шоири Усмон

¹⁹ “Маҳорат мактаби”, 25.05.2014.

²⁰ “Маҳорат мактаби”, 01.06.2014.

Азим билан суҳбат ташкил этилди. Суҳбат давомида кўтарилган мавзулар куйидагилардан иборат бўлди.

1. Бугунги Бойсун болалари билан шоирнинг болалиги ўтган давр ўзаро қиёс қилинди. Болалар спортга берилаётган эътибор ҳақида гапирилди.

2. Ўзбек спортини дунёга танитаётган А.Тангриев ғалабалари мисолида эсланди.

3. Стадионлар атрофини қайта кўриб чиқиш кераклиги, бу жойлар чинакамига одамлар дам олиб кетадиган жойга айланиши хусусида гапирилди.

4. Халқ ўйинлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

5. Томошабин маданиятини ошириш ҳақида шоир Усмон Азим ўзининг ибратли ўғитлари билан ўртоқлашди.

“Мухлисингман спорт!” кўрсатувининг шоир ва таржимон, “Олтин мерос” хайрия жамғармаси раҳбари Амирқул Карим, Хуршид Дўстмуҳаммад билан уюштирган суҳбатларида мамлакатимизда спортга берилаётган эътибор, бунга мамлакат раҳбарининг шахсан ўзи бошчилик қилаётгани, футболдаги ютуқлар ва уч босқичли “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” спорт мусобақалари тўғрисида гапирилди²¹.

“Ток-шоулар одатдаги суҳбат асосида пайдо бўлди ҳамда таҳлилий ва бадиий-публицистик жанрлар хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган мустақил жанрга айланди”²² – деб ёзади россиялик олим В.Л.Цвик. Ток-шоуларда ҳар иккала жанр хусусиятлари мавжуд бўлса-да, мазмун ва кўзланган мақсад нуктаи назаридан улар таҳлилий жанрлар сирасига киритилган. Худди шу йўналишда “Спорт” телеканалида “Дув-дув гап”, “Стать ближе”, “Келин-куёв”, “Ташриф”, “Айтишув”, “Спорт ва санъат” каби ток-шоулар пайдо бўлди. Улардан айримларигина эфирга узатилмоқда. “Стать ближе”, “Ташриф” моҳиятан бир хил кўрсатувлар ҳисобланади.

²¹ “Спорт” телеканали, 2013-2014 йил сонлари.

²² Цвик В.Л. Телевизионная журналистика: история, теория, практика, М.: “Аспект-Пресс”, М.: 2006. С.120-121.

Профессионал спорт, болалар ва ўсмирлар, аёллар футболга – умуман спортга аҳамият ҳукумат даражасида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан биров вақт ўтиб, 1995 йилда аёллар футбол бўйича мамлакат чемпионати бошланган. Қарши Ўзбекистонда аёллар футболнинг маркази ҳисобланади. “Севинч” клуби 6 мартаба мамлакат чемпионлигини қўлга киритган. Бошқа вилоятларда ҳам аёллардан иборат футбол жамоалари мавжуд бўлиб, ҳозирда аёллар футболни ривожлантиришга қаратилган телекўрсатувларга кенг ўрин берилмоқда.

Соат Шариповнинг “Ташриф” кўрсатувида “Севинч” жамоаси қизлари билан суҳбатлар ташкил этилди. Аёллар футбол жамоаларининг тайёргарлиги, уларга яратилган шарт-шароитлар, қизларнинг жисмоний савияси ҳақида гап борди.

Футзал бўйича миллий терма жамоамиз Тошкентда ўтказилган Осиё чемпионатида кумуш медалга сазовор бўлди. Осиё чемпионатининг ҳар бир учрашуви каналда олиб кўрсатилди. Шунингдек, ёш чарм тўп усталаридан таркиб топган бир қатор жамоалар кўплаб халқаро турнирларда муваффақият қозонди “Ташриф” кўрсатуви 2012 йил 6 май куни бош мураббий Хосе Марио Мандес ўз жамоаси билан кўрсатувга ташриф буюрди. Аммо, кўрсатувни канал форматига тўла мос келади деёлмаймиз.

Миллий курашни тарғиб қилишда, кенг ёйишда канал ижодкорлари самрали меҳнат қилишмоқда. Махсус кўрсатувлар, телевизион роликлар, курашчилар ҳаётидан адабий портретлар тайёрланди. Каналда фаолият олиб бораётган истеъдодли ижодкорлар Сайёра Ҳалимова, Гулжаҳон Мардонова бу борада ўз иқтидорларини намоиш этишмоқда. “Халқ ўйинлари”, “Маҳалламиз паҳлавонлари”, “Қўша қаринг” каби кўрсатувларни мисол сифатида кўрсатиш жоиз. Аммо, кўрсатувлар режиссураси талабга тўлиқ жавоб бермайди. Айрим муаллифлар маълум спортнинг ўзлари таҳлил қилаётган турини яхши билишмайди. Умумий фикрларга таянилади.

“Ҳар қандай бола руҳиятини турли хил бузғунчи ғоялар билан суғорилган, бағритош, шавқат нима эканлигини билмайдиган, ташвиқот иши

фақат зўравонлик ҳамда маънавий-ахлоқий худбинликни намоиш этишга қаратилган “тарбия”дан сақлаш лозим. Бунинг учун узлуксиз таълимнинг барча бўғинларида, айтайлик мактабгача тарбия муассасаларида “Ҳозиржавоблар”, “Топқирлар”, “Полвонжонлар”, “Эпчиллар” ўйинларини боланинг индивидуал хусусиятига мослаб ўтказиш, ғолибларни тақдирлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади”²³.

Умумий ўрта ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълимида болани “Қувноқ стартлар”, “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” спорт мусобақаларига тайёрлаш, бунинг учун ёшларни руҳан-маънан соғлом ҳолда барча қизиқишларини қобилятларига мос равишда ўстириш, бола имкониятларини рўёбга чиқаришнинг педагогик-психологик омили бўла олади. Ёш авлодни маънавий-ахлоқий қиёфасини тўғри шакллантириш миллий ва умуминсоний қадриятлар билан ҳамбарчас боғлиқдир. Чунки, она Ватанга содиқ, ботир, мард ўғлонлар тарбияси бевосита яқин ўтмишдан келаётган “Чаққон ва эпчил”, “Жасур”, “Қилич кесмас”, “Ўтда ёнмас”, “Ботир” каби мантиқли ва кенг маъно касб этувчи ўйинлар билан таърифланган. Бундай миллий спорт ўйинлари бугунги кунда ҳам қайта тикланиб, курашнинг турли кўринишларида, “Кўпқари”, “Отчопар”, “Чавондоз”, “Мерган”, “Паҳлавон” кабиларда ўз ифодасини топмоқда. Биргина “Мерган” маъносининг (ёй, камон, ўқ отиш, мўлжалга уриш) таҳлили кенг қамровдаги спорт турларини ўз ичига қамраб олади. Шунингдек, ҳаракатли ўйинлардан оқ теракми, кўк терак, читтигул, сакраб ўтиш, бекинмачоқ, арқон тортиш, чиллак ва санаб тепиш каби ўйинлар тобора оммалашиб бормоқда. Бунда таниқли журналист Гулжаҳон Мардонованинг “Халқ ўйинлари” кўрсатуви муҳим ўрин тутади.

²³ АбдураззоқовХ., Дўсмұхамедова М., Холмуродова Ж., Соғлом бола тарбиясининг руҳий-жисмоний омиллари/ “Вояга етмаганлар назоратсизлиги ҳамда қаровсизлигининг олдини олишда оила, узлуксиз таълим муассасалари, маҳалла ва ҳуқуқ- тартибот органларининг ўзаро ҳамкорлиги” мавзуидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари, Гулистон, 2014.Б.39.

Боланинг ёш хусусиятидан келиб чиқиб, ташкил этиладиган барча ўйин турлари ўқувчини иродали, бақувват, жасур, кўркмайдиган, берилган ишни маъсулият билан охирига етказадиган, энг муҳими ўзаро ҳамкор, жамоавий ва жамоада маънавий-ахлоқий қарашларга эътиборли бўлиб ўсишини таъминловчи омил бўлиб хизмат қилади.

Мактаб таълим дастурида назарда тутилган ўқув-билув машғулотларидан ташқари боланинг бўш вақтини режалаштириш, турли тўғарак ишларига жалб қилиш, уларни руҳан бардам, жисмонан ҳамда ақлан соғлом ўсишини таъминлайди. Бу ўринда албатта ўқувчининг жисмоний маданият билан ахлоқий маданият уйғунлигига эришиш ўқитувчи-мураббийлардан ўз устида ишлаш, болани шахс сифатида хурмат қилиш, уларни талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб боришни талаб этади. Айниқса спорт мусобақаси характеридаги миллий ўйинлар ўқувчини нафақат жисмонан соғлом этиши ва ҳушёр бўлиш, балки уларни ҳалоллик, эътиқодли бўлишга руҳан тайёрлайди. Ҳар хил бузғунчи ғоялардан узоқ бўлишга даъват этади.

Ўқувчи-ёшлар ўртасида ўтказиб келинаётган “Қувноқ стартлар” мусобақаси “Спорт” телеканалида Раҳматжон Содиков, Нодиржон Содиковлар томонидан тайёрлаб келинган. Мазкур телемусобақа тарихи иттифоқ даврига бориб тақалса-да, мусобақанинг қизиқарлилиги, оммабоплиги, мамлакатнинг барча бурчакларини қамраб олишини инобатга олсак, у ҳозирги кунда республикаимизда жуда машҳур ҳисобланади. Чиқишнинг 2014 йил 15 июнь сонида Қашқадарё вилоятининг икки жамоаси “Лочин” ва “Зукколар” жамоаси ўзаро беллашди²⁴. Унда қуйидаги шартлар асосида беллашилди:

- Чаққонлар баҳси;
- Ўрин алмашиш;
- Тўпни тўсинлардан айлантириш;
- Сардорлар беллашуви ва бошқалар.

²⁴ “Қувноқ стартлар”, 15.06.2014.

Қўйилган шартлар ҳақида гапирганда, ёш спортчилар учун жуда керакли бўлиб, иштирокчилар тўпни тўсиқлардан айлантириши лозим эди. Шарт аъло даражада бажарилди. Шартни бажариш пайтида шарҳловчи кашқадарё вилояти футболли ҳақида маълумотлар берди “Насаф”, “Машъал” футбол клублари олий лигада, “Шўртан” 1-лигада ўйнашини айтиб ўтди.

Мусобақада “Зукколар” жамоаси Қашқадарё вилояти финал босқичига йўлланма олди.

Худди шундай мусобақалардан бирини ёритувчи “Куч бирликда” дастури ҳам ўзига хос. Биз мусобақанинг иккита сонини кузатдик. Мазкур кўрсатув маҳалларда спортни ривожлантириш, оммавий спортни кўтариш масалаларига бағишланади. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этиладиган мазкур мусобақанинг бошловчиси ва муаллифи Наргиза Раҳимжоновна ҳисобланади. Кўрсатувнинг Тошкент шаҳри Сергели туманининг икки маҳалласи иштирок этган мусобақада Ҳабибий ва Нилуфар маҳалла аҳолиси вакиллари қатнашди²⁵.

Телевизион мусобақанинг фойдали томонлари нимада?

Биринчидан, кўрсатув маҳалла ва оммавий спорт тарғиботида муҳим ўрин эгаллайди;

Иккинчидан, мусобақада барча ёш тоифадагилар бемалол иштирок этиши мумкин;

Учинчидан, қўйилган шартлар жисмонан бақувват бўлишга улуш қўшади.

Кўрсатувнинг ҳар сониди Тошкент шаҳридаги маҳалла вакиллари ўзаро беллашадилар. Ҳамза туманидаги “Катта Янгиобод” маҳалласидаги

²⁵“Куч бирликда”, 14.05.2014.

“Шоҳимардон” ва “Чилон ота” жамоалари ўртасидаги беллашув ҳам анча қизиқарли тус олди²⁶. Қўйилган шартлар қуйидагилардан иборат:

1. Баскетбол спорт тури элементларидан тўпни тўрга тушириш.
2. Гандбол мусобақасидан тўпни 7 метрдан қўл билан дарвозага йўллаш.
3. Тўпни қўйилган тўплар орасидан ўтказиш. Боргач тўпни халқага қўйиб, йигитлар 10 марта тош кўтаришлари, қизлар эса халқани айлантриши керак. Мусобақа натижасида “Чилонота” маҳалласи ғолиб бўлди. Кўрсатув иштирокчилари билан спорт ҳақида, қизиқишлар тўғрисида суҳбатлар уюштирилди. Юқоридаги икки кўрсатув оммавий ва болалар спортини кўтаришга хизмат қилиши тайин.

“Спорт” каналида бу йўсиндаги чиқишлар билан бирга, автопойга, велоспойга, волейбол, баскетбол, шотакан карате-до, Шарқ яккакураши, велоспорт, теннис, дзюдо, снукер, ралли каби спорт турларига бағишланган мусобақаларни ўз дастурларида ҳавола қилиб келяпти. Аммо, синчиклаб эътибор берадиган бўлсак, кўрсатувларда жаҳон спортининг барча турлари бериб бориляпти, деёлмаймиз. Қолаверса, каналда ҳали бу мусобақаларни олиб кўрсатиш ва шарҳлаш учун тўлиқ имконият йўқлиги билиниб қолади.

Дунёнинг барча телеканаллари аудитория эҳтиёжларидан келиб чиқиб, фаолият олиб боради. Томошабинга нима керак бўлса шу кўрсатувни, шу мавзунини олиб чиқади. Биз нега “Спорт” телеканали дастурлари тўла талабга жавоб бермайди деган фикрларни эшитяпмиз. Сабаби, жамоатчилик талаблари инобатга олинмаяпти. Айтиш жоизки, халқаро спорт майдонларида, профессионал рингларда, теннис кордларида бўлаётган мусобақаларга аҳолининг қизиқиши катта. Спортни, жисмоний тарбияни, соғлом турмуш тарзи тарғиботида жаҳон спортининг ҳам ўз улуши бор. Болалар ҳавас қилишади, ўрганишади ва улардек бўлишга тинимсиз ҳаракат қилишади.

Ёшлар спорт юлдузлари ҳаётига қизиқиб, спорт соҳасига қизиқа бошлайди. Спортнинг инсон саломатлиги учун катта фойдаси борлигини

²⁶ “Куч бирликда”, 15.06.2014.

унутмаслик жоиз. Уларга ҳавас қилиб интилишлар боланинг спорт билан ошно бўлишига, шу билан бирга спорт соҳасида аввало, оиласи, мактаби, маҳалласи, тумани, вилояти, мамлакат шарафини ҳимоя қилиш даражасигача олиб чиқа олади. Демак, бундай кўрсатувлар янги юлдузлар кашфиётига ҳам туртки бўлади. Қолаверса бола қанча банд бўлса, унинг бўш вақти кам бўлса ҳар хил нобоп йўлларга, қалтис кўчаларга қадам босмайди. Бу ўз-ўзидан жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, наркомания ва жамики салбий иллатларни олдини олишда катта ёрдам беради.

“Спорт” телеканали дастурларида бу каби кўрсатувлар сонини янада кўпайтириш зарур. Чунки, ҳозирги ёшлар ҳар жиҳатдан билимли, замонавий ахборот технологияларини, Интернет тармоғини яхши билади ва уларда яхши ишлай олади. Жаҳон спорти бўладими, бошқа мавзу бўладими улар истаган жойидан ола билади. Аммо, мамлакатнинг барча ёшлари ҳам бир хил имкониятга эга эмас. Ҳозирча, телевидение бу жараёнларда ўз ўрни ва мавқеига эга.

2-БОБ. МАМЛАКАТИМИЗДА ОММАВИЙ СПОРТ ТУРИ ФУТБОЛНИ ОММАЛАШТИРИШДА ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ ЎРНИ

2.1. “Спорт” телеканалида болалар футболга оид чиқишлар

Мамлакатимиз футболининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, футбол бўйича мактаб-интернатларда, болалар ва ўсмирлар мактабларида, профессионал клубларда ва терма жамоаларда ўқув-машқ жараёнининг юксак сифатини таъминлаш, футболчилар, тренерлар ҳамда ҳакамларнинг маҳорат ва малака даражасини ошириш, шунингдек республика аҳолисининг кенг қатламлари ўртасида футболни фаол тарғиб қилиш ҳамда оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 19 январдаги “2011-2013 йилларда Республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Қарорнинг 1-бандига мувофиқ, 2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантириш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Республика шаҳарларида фаолият кўрсатаётган стадионларнинг, шунингдек профессионал футбол клублари ҳузуридаги болалар ва ўсмирлар мактаблари спорт иншоотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни реконструкция қилиш, янги стадионлар қуриш, зарур ускуналар ва анжомлар билан жиҳозлаш ҳамда тегишли инфратузилмани яратиш, болалар ва ўсмирлар жамоалари учун номзодлар, профессионал футбол клублари ва Ўзбекистон терма жамоалари учун захира тайёрлашнинг асосий бўғинлари сифатида футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни ҳамда профессионал футбол клублари ҳузуридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга

ошириш, тўлақонли илмий-методик раҳбарликни, ўқув-машқ жараёнлари сифатини ҳамда республикада футболни ривожлантиришдаги анъаналар давомийлигини ва халқаро майдонларда юксак натижаларга эришишни таъминлаши лозим бўлган юқори малакали тренерлар, ҳакамлар, спорт врачлари ҳамда бошқа футбол мутахассисларини тайёрлаш, уларни даврий аттестациядан ўтказиш мезонлари ва методологиясини ишлаб чиқиш, мамлакатимиз футболи тўғрисидаги ахборотларни етказиш ва тарғиб қилишни янада такомиллаштириш, футбол мусобақаларини ёритишга ихтисослашган малакали журналистлар, шарҳловлар, режиссёр ва телеоператор кадрларни тайёрлаш каби вазифалар юкланган.

Мазкур бандда кўрсатилган болалар спорти ривожига ҳисса қўшувчи асосий жиҳатлар қуйидагилар ҳисобланади:

- болалар ва ўсмирлар жамоалари учун номзодлар, профессионал футбол клублари ва Ўзбекистон терма жамоалари учун захира тайёрлашнинг асосий бўғинлари сифатида футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни ташкил этиш;

- профессионал футбол клублари ҳузуридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

- мамлакатимиз футболи тўғрисидаги ахборотларни етказиш ва тарғиб қилишни янада такомиллаштириш, футбол мусобақаларини ёритишга ихтисослашган малакали журналистлар, шарҳловчилар, режиссёр ва телеоператор кадрларни тайёрлаш масалалари кун тартибига қўйилган.

Қарорнинг биринчи бандида кўрсатилган топшириқлар маълум маънода бажарилди. Ихтисослашган мактаб интернатлари очилди. Профессионал футбол клублари қошидаги спорт мактабларини ривожлантириш бўйича қатор ишлар қилинди. Бироқ, мамлакатимиз футболи тўғрисидаги ахборотларни етказиш ва тарғиб қилиш қай даражада йўлга қўйилган деган ҳақли савол туғилади. Жавоб афсуски натижалар қониқарли даражада эмас. Футболнинг оммавийлигини оширишда телевидениенинг ўрни катта

бўлишига қарамай, ҳамон ечимини кутиб ётган муаммолар бир талай. Мавзуга доир долзарб кўрсатувлар ўз ўрнини майиший мавзудаги кўнгилочар дастурларга бўшатиб берган.

Аҳамият берилса, миллий телеканалларимизнинг дастурларига кўз югуртирилса, ҳафта давомида “Ўзбекистон” телеканалида “Рухшунос”, “Ҳаёт жилғалари”, “Муҳаббат ва касос”, “Доктор Хаус”, “Имтиҳон”; “Ёшлар” телеканалида “Испан афсонаси”, “Қакнус”, “Орзулар фасли”, “Пуаро”, “Афсунгар”, “Теран илдизлар”; “Тошкент” телеканалида “Қайтар дунё”, “Икки тақдир”, “Шаҳзоданинг қўшиғи” каби жами 14 та сериал бу учта телеканалда бир кунда намойиш этилмоқда.

“Спорт” каналида ҳар тугул сериалларга жой йўқ, лекин тайёрлаётган кўрсатувлар орасида футбол ҳақидагиси бармоқ билан санарли.

Булар - ҳар душанба эфир юзини кўрадиган “Футбол шарҳи” ва “Биринчи лига шарҳи”. Энг қизиғи, иккала кўрсатув бир хил фамилия, Зафар ва Диёр Имомхўжаевлар муаллифлигида эфир юзини кўрмоқда. Савол туғилади, “Спорт” каналида бошқа ходимлар ҳам борми? Бошқа футбол турларига қараганда, футбол анчайин оммавий ва ҳаммабоп. Лекин унинг тарғиботида бўлган муносабат ҳамон етарли эмас.

Ҳозирда футболни тарғиб қилиш бўйича “Спорт” телеканалида куйидаги чиқишлар мавжуд:

1. “Хабарлар” информацион дастурида жойларда болалар футболини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар, ўтказилаётган турнирлар ҳақида мунтазам чиқишлар олиб борилади;
2. “Қувноқ стартлар” мусобақасида футболга оид бўлган айрим техник шартлар қўшилган. Бу ҳам болаларни футболга қизиқтиришга хизмат қилади.
3. “Спорт-экспресс” дастурида спортнинг барча турлари қатори футбол ҳақидаги чиқишлар тўғрисида ҳам сўз боради;
4. “Ифтихоримсам спорт” кўрсатувида ҳам бу мавзуга дахлдор айрим чиқишлар кузатилади.

5. “Болалар спорти” телекўрсатуви;
6. “Ёшлар футболи” телекўрсатуви каби чиқишлар.

Кўриниб турибдики болалар футболига бағишланган лавҳалар болалар спортига доир чиқишлар орасида битта-ярим бериб бориляпти. Айнан болалар футболига доир чиқишлар йўқ.

Сўнгги вақтларда юртимизда футболга қаратилаётган юксак эътибор натижасида кўплаб турли даражадаги мусобақалар ташкил этиляпти. Айниқса, болалар ўртасидаги мусобақалар бунга мисол бўла олади. Гарчи катталар футболини ишқибози кўп бўлса-да, ундан кўра, болалар футболини томоша қилиш завқлироқ. Чунки, уларнинг ўйинларида келишиш, ўйинда ютқазиб бериш ва ёлғон ҳаракатлар деган тушунча йўқ. Боиси болалар чин маънода футбол ўйнашади. Айнан шунинг учун ҳам болалар футболи катталар футболдан устун қўйишга арзийди.

Чунки, болаларнинг ўйинида беғуборлик бўлади. Оддийгина Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташаббуси билан ўтказиладиган “Болалар лигаси” мусобақаси мисолида ҳам фикримизни исботлаш мумкин. Боиси бу мусобақада ҳеч қандай соврин йўқ. Қолаверса, ҳеч кимнинг манфаатлари тўқнаш келмайди. Шу учун ҳам чемпионатда иштирок этадиган болалар футболни астойдил ўйнашади. Агарда ғолиб бўлса қувониб, мағлуб бўлса мураббийнинг бағрига бошини қўйиб йиғлашади. Улар учун мағлубият нақадар оғир эканлигини шундоққина юз-кўзларидан ҳам тушуниб олиш мумкин. Энг муҳими, уларнинг футболда пул деган тушунчанинг ўзи йўқ. Балки шунинг учун ҳам болалар футболи катталарнинг ўйинидан кўра мароқлироқдир?!

Икки маҳалла ўртасида кечадиган оддий учрашувларни олинг. Уларнинг ўйинларида ҳақиқий футболни кўрасиз. Улар ҳеч қандай манфаатсиз футболни севгани учунгина ўйнашади. 90 дақиқа чин маънода тер тўкиб, жон куйдириб югуришади. Афсуски, футбол профессионаллашиб борган сари унга бўлган қарашлар, муносабатлар ўзгаради. Футболдаги мақсадлар ғалаба қозониб, ғолиблик шоҳсупасига чиқиш эмас, балки моддий эҳтиёжни

кондириш омиллари билан жой алмашади. Буни биргина профессионал футболчиларни бир йилдан ортиқ вақт муддатга шартнома тузмаслиги, мавсум аввалида қилинмаган меҳнат учун отнинг калласидек келадиган кўтарма пуллари олишидан ҳам англаб олиш мушкул эмас.

Болаларни футболга қизиқтиришга ва тарғиботида муҳим ўрин тутадиган телевидениеда эфирга чиқувчи кўрсатувларда бир хиллик ҳукмрон. Бирон-бир мавзунини очиб берувчи замонавий лойиҳани учратмайсиз. Болалар спортга бағишланган лойиҳалар бор. Аммо, уларнинг савияси мутлақо талабга жавоб бермайди.

2.2. Болалар футболни тарғиботида муаллифлар маҳорати масалалари

Болани илм олишга, касб-ҳунар эгаллашга йўналтириш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир. Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар туб мазмун-моҳиятига кўра, навқирон авлод вакиллари билан чуқур билим ва кенг дунёқарашга эга бўлишни таъминлашдек эзгу мақсадларга қаратилган. Бундай ижобий ишларни спортимиз етакчиси ҳисобланмиш миллий футболимизда ҳам кузатишимиз мумкин. Бугунги ўзбек футболнинг яққол ютуқларидан бири ҳам болалар футболга ҳукумат даражасида берилаётган эътибор десак муболаға бўлмаса керак.

Бугунги кунга келиб, Республикаимизнинг ҳар бир ҳудудида футболга ихтисослаштирилган таълим муассасалари фаолият олиб бормоқда. Уларда минглаб болажонлар футболнинг сир-синаотларидан сабоқ олмоқдалар. Яратиб берилаётган шароитлар, улкан имкониятлар сабаб, бугун ўсмирлар ва ёшларимиз жаҳон чемпионатларининг доимий иштирокчисига айланишди. Бир пайтлар жаҳон чемпионатларига чиқишни орзу қилган бўлсак, энди бу ҳол бизга одатий бўлиб қолмоқда. Айтилган фикрларни, Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги футболга ихтисослашган мактаб, “Ёзёвон лочинлари”

жамоаси ҳақидаги телевизион чиқиш мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, мавзунинг умумий ёритилиши мана бу йўсинда ўз ифодасини топди²⁷:

1. Дастлаб ҳомийлар томонидан футболга ихтисослашган мактабнинг очилиши, 8 ёшдан – 16 ёшгача бўлган болаларнинг қабул қилиниши, жамоанинг ташкил топиши, шаклланиши – умуман тарихи ҳақида гапирилди;

2. Жамоанинг эришган ютуқлари – вилоят кубогида биринчи ўринни олиши, вилоят чемпионатида 2-ўринни қўлга киритиши ҳақида сўз юритилди;

3. Жамоа ғалабасида болалар билан мунтазам шуғулланаётган мураббийларнинг тутган ўрни ҳақида гапирилди;

4. Ютуқлар ҳақида мураббийлар интервьюси берилди;

5. Болалар ўз ютуқлари, жамоага келиб қўшилишлари, спортнинг инсон саломатлигидаги аҳамияти хусусида гапириб ўтдилар.

Кўрсатувда сценарий жуда муҳим аҳамият касб этади. Замонавий талаблардан хабардор бўлмаган мутахассис ҳар томонлама сифатли ва мазмундор кўрсатув тайёрлай олмайди. Аудиториянинг қабул қилиши ҳам қийин кечади. Буни тўлиқ англаш учун аввало телевидениеда бошқа оммавий ахборот воситалари журналистларидан фарқ қилувчи айрим жиҳатларни яхши ўрганиш ёш ижодкорлар учун жуда зарур. Мисол учун, газета ёки журнал ходими тадбир бўлаётган жой – объектга бориб бир ўзи ўрганиши ва мақола ёзиши мумкин. Бирор-бир танқидий-таҳлилий хат-хабарда баён этилган долзарб муаммони синчиклаб текшириш ҳам муҳим натижа беради. Бир неча йил муқаддам аввал фотожурналистларнинг газетадаги ўрни бирмунча юқори эди. Бугун эса деярли ҳар бир ижодкорнинг қўлида фотоаппарати бор, ўзи суратга тушириб, газета саҳифаларига ўз фотоасарларини бериши мумкин. Демак, матбуот журналисти қўлида қоғоз, қалам ва фотоаппарат бўлса мавзуни бемалол ёритиш имкони бор. Радиожурналист учун энг асосий қурол эса диктофон ҳисобланади. Демак,

²⁷ “Ифтихоримсан спорт”, /“Спорт” телеканали, 14.06.2014.

матбуот ва радиостудия журналисти якка ҳолда истаган жойга бориб ўз ижодий асарини тайёрлаб келиши мумкин. Бу нуқтаи назардан тележурналистлар фаолияти бирмунча фарқ қилади. Яъни, тележурналист ижодий гуруҳсиз йўлга чиқолмайди. Телевизион асар бир кишининг меҳнати эмас. Ҳақиқий телеасар кўпчилиكنинг ақли, иқтидори, тажрибаси билан вужудга келади.

Тележурналистлар ўзининг кўп йиллик тажрибасига таянган ҳолда воқеани экранга олиб чиқишда қуйидагиларга эътибор беришлари зарур:

- эҳтиросли сўз;
- чиройли рамзлар;
- телетомошабин ақли ва қалбига етиб борадиган тасвирлар;
- ёқимли овоз;
- характерли шовқин;
- кўрсатув моҳиятини очиб берувчи мусиқа ва бошқа новербал

воситалар ёрдамида яратади.

Таҳлил қилинаётган кўрсатувда қани эҳтиросли сўз ёки томошабин қалби ва онгига кириб бораётган таъсирчан усул ҳамда воситалар. Улар бошқа соҳадан кириб қолган, даб-дурустдан шу топшириқни олиб кўрсатув тайёрлаётганга ўхшайди.

- сценарийларнинг бир-бирига ўхшашлиги;
- интервьюлар тилининг бир хиллилиги;
- ўзига хос чиқишларнинг йўқлиги;
- ёндашувларнинг эскилиги;
- таъсирчан усулларни қўлламаслик;
- журналистик изланувчанликнинг мавжуд эмаслиги каби кўплаб

хатоларга дуч келдик.

“Спорт” телеканалининг бошқа кунлар эфирга узатилган кўрсатувларида айнан шунга ўхшаган хато ва камчиликларни учратиш мумкин. Телевизион журналистик асарлар компонентларидан бири саналган **“Синхрон** – сюжет қаҳрамони ёки иштирокчисининг экрандаги гапи бўлиб, грек тилидан

таржима қилинганда “sin” – бирга, “chronos” – вақт деган маънони билдиради. Синхронни интервьюнинг бир бўлаги ҳам дейишади. Мазкур атама соҳага овозли кинодан кириб келган. Асосий талаб синхрон хронометражи 25 сония (баъзи манбаларда 20)дан ошмаслиги, интервью бераётган шахснинг боши бошқа томонга бурилиб қолмаслиги, тасвирга олинадиган жой, орқа фонга аҳамият қаратиш зарур²⁸лигини мутахассислар таъкидлашади. Аммо, юқорида тилга олинган кўрсатувда 4 та синхрон берилди (Мураббийлар: Дилмурод Эргашев, Салимжон Зокиров, ёш футболчилар Шаҳбоз Абдурахмонов, Умиджон Ҳалимов). Интервью берган мураббийларнинг сўзлари ҳажми 1, 1,5 дақиқани ташкил қилади. Ёш футболчилар камроқ гапирган бўлса ҳам, бир-бирини фикрини такрорлади. Демак, журналистда профессионализм етишмайди. Профессионал журналистга қўйиладиган талаблар ҳақида гап борар экан, улар:

- тасвирий санъатдан;
- кино сиру-синоатларидан;
- ёзувчилик маҳоратидан;
- мулоқот қилиш, муносабатга киришиш – дипломатия санъатидан;
- электрон техникадан ва бошқа соҳалардан яхши хабардор бўлмоғи керак²⁹.

Ана шу талаблар асосида ёзилган материаллар таъсирчан ва қизиқарли бўлади. Мамлакатимиз раҳбарининг футболни ривожлантиришга бағишланган қарорининг бир бандида, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Футбол федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, “Маҳалла” жамғармаси ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида республикада

²⁸ Каримов А. Аудиовизуал журналистика (тележурналистика), Т.: ЎзДЖТУ, - Б.23.

²⁹ Абдухолиқов И. Тележурналист устахонасидан, “Садо” /, 1.02.2007.

футболнинг мунтазам ва тизимли асосда фаол тарғиб қилинишини ва оммалаштирилишини таъминлаш вазифаси юклатилган³⁰.

Оммалаштиришнинг энг оптимал усули ТВ эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Лекин, “Спорт” телеканали ижодкорлари бу вазифани тўлақонли бажара олишяпти, деб айта олмаймиз. Вазифа юклатилган жамоат ташкилотлари ҳам бу борада сусткашликка йўл қўймоқда. Ҳар қандай давлатнинг эртанги куни ва ривожланиш истикболлари болалар ҳамда ёш авлоднинг соғ-саломатлиги ва бахт-саодатига боғлиқ. Ўзбекистонда болаларнинг ҳуқуқларини таъминлашга, уларнинг ҳар томонлама ривожланишига, ёш авлоднинг манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишга ва эҳтиёжларини қондиришга давлат томонидан ғоят жиддий эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг ғоят муҳим йўналишлари сифатида белгиланган. Юртимизда 2014 йил “Соғлом бола йили” деб эълон қилинди.

Қабул қилинган “Соғлом бола йили” Давлат дастурида мамлакатимизда жисмоний соғлом, маънавий етук, ҳар томонлама уйғун ва баркамол ривожланган, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал салоҳиятга, чуқур билим ҳамда замонавий дунёқарашга эга, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш вазифасини изчил давом эттириш учун аниқ мақсадга қаратилган кенг қўламдаги комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ҳамда имкониятларини шу йўлда сафарбар этиш кўзда тутилганлиги кўрсатиб ўтилган.

“Соғлом бола йили” Давлат дастурига биноан ташкилот ва муассасаларда турли хил спорт мусобақалари, жумладан, футбол

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 19 январдаги “2011 — 2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, www.lex.uz

учрашувлари ўтказилаётганини ҳам мамнуният билан айтиб ўтишимиз мумкин.

Жорий йилнинг 24-29 март кунлари “Бунёдкор” спорт мажмуасида “Соғлом бола йили” га бағишлаб “Бунёдкор кубоги-2014” Республика турнири ўтказилди. Биргина ушбу турнирда кўплаб иқтидор эгаларини кашф этилгани юртимизда жисмонан етук авлодни етишиб чиқаётганидан яққол далолат беради. Бундай турнирлар чекка туман ва шаҳарларда доимий равишда ўтказилаётганини ҳисобга олсак, миллий футболимизда янгидан янги иқтидор эгаларини етишиб чиқаётганини билиб олишимиз мумкин. Турнир тўғрисида “Хабарлар” информацион дастурида ҳар куни бир неча лавҳа хабар тарзида берилди, ҳолос³¹. Аммо, алоҳида кўрсатув тайёрлаб ҳам бериш мумкин эди-ку?!

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан болалар спортига берилаётган ғамхўрликнинг ортиши оқибатида болалар футболига эътибор ҳам тубдан ўзгарди. Бунинг самараси ўлароқ мамлакатимизда охириги 10 йилликда “Пахтакор”, “Машъал”, “Бунёдкор” ва “Насаф” клублари қошида замонавий, халқаро талабларга жавоб берадиган футбол академияларига асос солинди. Бу эса ўз навбатида юртимизда болалар футболининг тараққий этишига хизмат қилмоқда. Биргина 2009-2013 йиллар оралиғида Ўзбекистон ўсмирлар ва ёшлар терма жамоалари икки мартадан жаҳон чемпионатида чиқишди ва ҳаттоки кучли саккизликка киришга ҳам улгуришди. Шу мисолнинг ўзиёқ мамлакатимизда болалар футболига катта эътибор берилаётганидан дарак беради.

Мамлакатимизда болалар футболени кенг миқёсда ривожлантириш устувор масалалардан бирига айланиб бормоқда. Болалар спорти, хусусан, болалар футболени ривожлантириш – келажакни ўйлаб қилинган олижаноб иш Ўзбекистонда Юртбошимизнинг ташаббуси билан амалга оширилмоқда. Боланинг соғлом бўлиб вояга етиши, иқтидори ва қобилиятини номоён эта

³¹ “Хабарлар”, 24-29.03.2014.

олиши орқали жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши учун унга бериладиган тарбия ўта муҳим омил саналади.

Серқуёш юртимизда болалар футболининг кундан-кунга оммалашиб, ривожланиб бораётгани – **“Умид ниҳоллари”**, **“Футболимиз келажаги”**, **“Болалар лигаси”** футбол мусобақаларининг ўтказилиши ва Олий лига клублари академияси тарбияланувчилари ўртасида чемпионатларнинг ўтказилиши - бу айтиш ҳақиқатдир.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантириш, соғлом турмуш тарзига интилиш ва спортга, айниқса, футболга меҳр-муҳаббатини сингдириш борасида шарт-шароитлар яратиб бериш, Ватанга садоқатли баркамол авлодни тарбиялаш, болалар орасидан истеъдодли футболчиларни танлаб олиш футбол мутахассисларнинг вазифасига киради. Мураббий-ўқитувчилар боланинг фақат футболга қизиқишини ҳисобга олиб қолмасдан, унинг келажакда иқтидорли-моҳир футболчи бўлиб вояга етишига ишонч ҳосил қилган ҳолда тарбиялаб бориши лозим.

Дунёда спорт турлари кўп. Лекин улар орасида футбол ўзининг жозибаси билан алоҳида ажралиб туради. Ёш футболчиларимизнинг эришаётган ютуқлари ҳам оз эмас. Ўзбекистон ампутантлар терма жамоаси учинчи бор Жаҳон чемпиони, ўсмирлар (U-16) Осиё чемпиони, “Бунёдкор” клуби ОЧЛ ярим финалчиси бўлди. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг ўн олти ёшгача бўлган футболчилар ўртасида Осиё чемпионатида чемпионликни қўлга киритгани қувонарли. Эронда ўтган 16 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионатида иштирок этган болакайлар эртанги келажакимиз саналади. Улар мустақиллигимизнинг 21 йиллик байрамига ва қолаверса ўзбек футболининг 100 йиллигига муносиб совға тайёрлашди. Албатта, бу ғалаба ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Ютуқлар ўзимизники. Аммо, ўсиб келаётган кейинги авлод тақдири нима бўлади? Хатти-ҳаракатдан асло тўхташ мумкин эмас. Бу жараёнда телевидениенинг ўрнини ошириш зарур. Қуйидагиларга эътибор бериш зарур.

“Спорт” каналида мураббийларнинг болалар билан олиб бораётган мураббийлик ишлари ҳақида ҳар ҳафта эфирга чиқадиган яхши кўрсатув тайёрланиши зарур. Кўрсатувга **“Футбол дарси”** деб ном берилса, айти муддао бўлади. Ёки Тошкентда бир нечта футбол жамоаси ва уларда тўп сурадиган Одил Аҳмедов, Сервер Жефаров каби иқтидорли футболчилар бор. Улар иштирокида ёш футболчилар учун **“Телевизион маҳорат дарслари”** (мастер класс) ташкил этиш мумкин. Биргина яқиндагина ташкил этилган, “Маданият ва маърифат” телеканалида профессор-ўқитувчиларнинг “Академик соат”, янгича услубда айнан автобусда сурагга олинган “Кўнгил бекатлари” дастури эфирга узатилмоқда. Услуб янги, формат янги, журналистлар қараши янги. Умуман олганда янгича ёндашувлар бор. “Спорт” канали эса уйқуда. Нафақат, болалар футболлари тарғиботи, балки катталар футболлари аҳволи ҳам яхши эмас.

Республикада болалар футболлари ривожлантиришга, ёшларни келажакда жаҳонга танилган етук футболчи бўлиб етишишлари учун бир қанча ижобий ишлар қилинмоқда. Бу мусобақалар ёшларимизнинг соғлом фарзанд бўлиб етишишларига қўйилган биринчи қадамдир. Маълумки, футболда натижага эришиш осон иш эмас. Бу жамоавий ўйин. Кўзланган мақсад йўлида бажарилаётган катта ҳажмдаги ишлар баъзида оддий мухлислар назаридан четда қолади. Ўзбекистон футбол иқтидорларга бой давлат. Болалар футболлари ривожлантирмай туриб, юқори савиядаги катталар футболга эришиб бўлмайди. Юртимизда кўплаб маҳоратли футболчи болалар тайёрланмоқда. Бу жараёнда телевидениенинг ҳам ўрни бўлиши керак.

Маълумки, ҳозирда ўналаб спортга ихтисослашган сайтлар, порталлар ва блоглар фаолият кўрсатиб келмоқда. Кўзга кўринган сайтлардан бири www.uff.uz сайтида берилган айрим материалларнинг мавзулар кўлами билан танишилганда ҳар хил мавзудаги чиқишларни учратиш мумкин.

“Интерактив” бўлими остида “Футбол қоидалари” рубрикаси очилган.³² Унда футболга оид жами 21 қоида кўрсатиб ўтилган. Ҳар бир қоида номи алоҳида келтирилади. Қоидани устига босилгач, гиперҳавола орқали ўша қоиданинг моҳияти ҳақидаги ахборотга ўтилади:

- 1-қоида. Учрашув ўтказиладиган майдон
- 2-қоида. Тўп
- 3-қоида. Ўйинчилар сони
- 4-қоида. Ўйинчилар кийими (экипировка)
- 5-қоида. Бош ҳакам
- 6-қоида. Бош ҳакам ёрдамчилари
- 7-қоида. Учрашувнинг давом этиши
- 8-қоида. Учрашув бошланиши ва ўйинни давом эттириш
- 9-қоида. Тўп ўйинда ва ўйиндан ташқари ҳолатларда
- 10-қоида. Тўп дарвоза тўридалигини аниқлаш усуллари
- 11-қоида. «Ўйиндан ташқари» ҳолат
- 12-қоида. Қоида бузилиш ҳолатлари ва қоидага зид хатти-ҳаракатлар
- 13-қоида. Жарима тўпи ва эркин зарба
- 14-қоида. 11-метрлик жарима тўпи
- 15-қоида. Тўпни ён чизикдан ўйинга киритиш
- 16-қоида. Тўпни дарвоза ёнидан эркин зарба билан ўйинга киритиш
- 17-қоида. Бурчак тўплари
- 18-қоида. 11-метрлик нуқтадан зарбалар
- 19-қоида. Техник майдонча ва тўртинчи ҳакам
- 20-қоида. Ҳакам ишоралари
- 21-қоида. Ўйқотилган вақт компенсацияси.

Телевидениеда футбол қонун-қоидаларига бағишланган (**“Футбол қоидалари”** номи остида) махсус кўрсатув, телевизион интерактив лойиҳа тайёрлаш зарур. Тўп билан ишлаш, мўлжални аниқ олиш, футболга психологик тайёрланиш борасида ҳам муайян фикрларга асосланган ҳам

³² www.uff.uz, 14.02.2014.

назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга бўлган дастур жоиз. Сабаби спортчи болалар ўйин услуби ва қобилиятига эга бўлиши билан бир қаторда уларда психологик тайёргарлик ҳам зарур. Негаки, ҳар қандай шароитда ҳам ғалаба учун ўйнаш кўникмаси агарда болада бўлмас экан, у кучли спорт формасида бўлишидан қатъий назар ютқазиб қўяди. Чунки унда ирода мустаҳкамлиги суст бўлади, у психологик нуқтаи назардан бақувват бўлмайди. Ҳар қандай вазиятда ҳам болаларни ҳар томонлама бақувват қиладиган, уларни фақат олға интилишга чорлайдиган лавҳа ва кўрсатувларни кўпайтириш, оммалаштириш ва айнан ана шу кўрсатувлар асосида болалар спортини ривожлантириш йўлида дастурлар ишлаб чиқиш зарур.

Болаларни футболга қизиқтиришнинг усуллари кўп. Мисол учун, ўзбек футболининг ғалабага эришган ўйинлари ҳақида кўп гапирилади. Миллий терма жамоамизнинг олдинги ўйинларини ҳафтада 2 марта тақдим этиб бориш, архивдан Осиё Ўйинлари-1994, бошқа яхши ўйинларни топса бўлади. Шунингдек кўрсатув бошида ўша ўйинда иштирок этган бирор ўйинчини чақириб, хотиралари билан ўртоқлашиши, ёш футболчилар, ишқибозлар билан учрашув - **“ток-шоу”** кўринишидаги чиқишларни уюштириш мумкин.

2011-2013 йиллар мобайнида олий лига футбол клублари стадионларида радио ва телешарҳловчилар учун замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозланган махсус хоналар ташкил этиш, футбол ўйинларининг телевидение ва Интернет тармоғи орқали тўғридан-тўғри узатилишини таъминлаш вазифалари ҳам юклатилган эди³³.

Футбол ҳаётимизнинг бир қисмига айланиб улгурган. Бунга сабаб Еврофутбол дастурларидаги профессионал тасвирлару, ажойиб видеороликлар ва ҳаммани ўзига жалб қиладиган рекламалардир. Дарҳақиқат, кўп соҳаларда ривожланиш, оммабоплигини ошириш телевидениега боғлиқ бўлиб қолмоқда. Жумладан, футбол ҳам. Олий лиганинг биринчи давраси ўз ниҳоясига етиб, иккинчи давра давом этмоқда.

³³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 19 январдаги “2011 — 2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги қарори, www.lex.uz

“Спорт” телеканали шу ўйинларни сифатли тарзда мухлисларга етказа олмади. Жонли тарзда, тўғридан-тўғри трансляция қилинган учрашувлар санокли. Олий лигада урилган голлар, ўйинчилар дриблинги, дарвозабонларнинг суперсейвлари мухлисларга мукамал тарзда етказилмади. Бундан ташқари, вилоятлар футболлари ҳақидаги чиқишлар кам.

“Спорт” каналининг асосий вазифаларидан бири – мухлисларга сифатли футбол учрашувларини трансляция қилиш ҳисобланади. Ҳозир ХХІ аср техника асрида яшаб, давлатимиз томонидан миллионлар ўйини ривож учун катта эътибор қаратилаётган бир пайтда каналнинг бундай суи ҳаракатини ҳеч нима нима билан изоҳлаб, оқлаб ҳам бўлмайди. Вилоятларда футболнинг ҳам ашаддий мухлислари бор. Уларнинг ҳаммаси ҳам вилоят марказидаги стадионларга бориб севишли жамоасининг футбол учрашувларини томоша қилиб ҳордиқ чиқаришга имкони йўқ. Ҳаттоки, Олий Лиганинг марказий учрашувларидан бири “Локомотив” – “Насаф” ўйини тўғридан-тўғри трансляция қилинмади. Бу муаммо қачон ечилади?

Ўша қарорга мувофиқ жиҳозланган, “Насаф” уй учрашувларини тўғридан-тўғри трансляция қилиш учун ҳамма шарт-шароит яратилган, аммо трансляциялар бўлмапти. Телевидение ана шундай савияда ишлаб тургандан кейин миллий футболимиз ривож, оммабоплиги ҳаминқадар даражада қолади. Россия Премьер-лигасининг шундай оммабоп даражага етишига ТВнинг ўрни катта. Ҳали катта пуллар киритилмасидан олдин ТВ энг катта урғуни тўғридан-тўғри трансляциялар сони ва сифатига берди. Бу ҳолат эса яхшигина натижа берган. Олий лигамизнинг иккинчи давра ўйинларидан тўғридан-тўғри трансляциялар сони ва сифатини ошириш зарур.

Ҳозирда ёшларимизга Европадан “совчилар” келмаётгани ҳақида бонг урилади. Ёш футболчиларни реклама қилиш, ёш юлдузлар ҳақида видеороликлар тайёрлаш, вилоятлардаги аншланг дербиларни сифатли тарзда жонли трансляция қилиб узатиш жуда зарур. Чемпионатимизда тўғридан-тўғри трансляциялар сонини ошириш, шунингдек, ўйин бошланмасдан олдин, стадионнинг ўзидан қайноқ янгиликларни тақдим этиш,

мухлисларнинг фикрлари билан танишиш, жамоа аъзолари билан интервьюлар уюштиришга кенг эътибор бериш жоиз.

Вилоятлардаги телевидениелар билан келишиб, сифатли учрашувларни тақдим этиш керак. Битта камерада тасвирга олиш даври ўтди. Мухлисларга сифатли тарзда тасвирга олинган футбол учрашувлари керак. Шу сифат ва сонга асосий урғуни бериб, учрашувлар тақдим этилса, Олий Лигага қизиқиш бирмунча ортиб, мухлисларнинг стадионларга оқими анча ортган бўларди. Шунингдек, футбол ўйинларида юз берадиган баъзи тортишувлар, келишилган ўйинлар, ҳакамларнинг атайлаб бир жамоага ёнбосишлари, баҳсларга анчагина барҳам бериларди. Умуман олганда, футболнинг оммабоплигини ошириш, мухлисларга ажойиб ҳордиқ тақдим этиш телевидение ижодкорлари қўлида. Фақат озгина жон куйдириб ишлаш, барча муаммоларга ечим қидириш керак.

Муаммолар ҳақида гапирганда, нафақат вилоят футболли, баъзида катта футбол борасида ҳам айрим ечимини кутаётган масалалар бор. Маълумки, бугунги кунда интернетда спортга ихтисослашган блоклар сони ошиб бормоқда. Ана шундай блоклардан бирида қуйидаги воқеа келтирилган. Ўша ҳолат ва кайфият қандай бўлса, шундайлигича берилган: "...Нима эмиш, бугун Олмалиқ шаҳрида ўтказиладиган Ўзбекистон ва Уммон терма жамоалари ўртасидаги ўйин ўзимизнинг "Спорт" каналида жонли эфирда олиб берилмасмуш. Гарчи ТВ дастурда бу ўйин 19-00га белгиланган бўлса-да, ўйин ёзиб олинган ҳолда 21-30да кўрсатилармуш. Фақат "Машъал" радиоси бу ўйиндан тўғридан-тўғри концерт қўйиб берармуш"³⁴. Албатта бундай муаммолар "Спорт" каналида анчагина.

Маълумки, ҳар бир ўйиндан сўнг матбуот анжумани бўлиб ўтади. Анжуманларда айтилган фикрларнинг ҳаммаси ҳам тўлиқ эфирга узатилмайди. "Хабарлар" ахборот дастурида уларнинг айримларигина берилади холос. **"Футболдан сўнг", "Матбуот анжуманидан репортаж"**

³⁴ Отамдан қолган радио қани? "Эркин зарба", С.Юсупов блоги. 22.04.2014.

сингари номлар остида кўрсатувлар керак. Кўрсатувларнинг ҳаммасини ҳам жонли эфирга узатиш қийин. Ҳаттоки, ҳозирда вилоятлардаги футбол клублари учрашувларидан сўнг ҳам матбуот анжумани бўлиб ўтади. Вилоят телевидениеларининг уларни ёзиб олиш имкони бор. Аммо, амалга оширилмаяпти. Ҳаттоки, болалар учун махсус кўрсатувлар тайёрлаш мумкин.

“Спорт” каналида эфирга узатилаётган болаларга бағишланган аксарият кўрсатувларнинг услуби, тили оғир, таъсирчанлиги паст. “Пахтакор” ёки “ЖАР” стадионига минглаб болалар футбол кўргани боради. Секторларда ўтирган болалар футболнинг ашаддий ишқибозлари, фанатлари саналади. Шу пайтга қадар ўшаларнинг бирортасидан интервью олиниб, фикри ўрганилганини кўрмаганмиз. Ахир, тарғибот учун бу муҳиммасми? “Пахтакор” стадионида бўлаётган ўйинларда тўпларни етказиб бераётган болаларнинг ўйинларга муносабати ҳеч кимга қизиқ эмасми? Ахир, ўйинларни бошдан охир кузатиб, ўйинни яқиндан кўриб турган ёш футболчининг қарашларини жонли ўрганиш мумкин. Фикр ва қараш тоза. Яъни, каналда **“Сектордаги мухлис”, “Футбол фанатлари”, “Ёш футболчи”** сингари лойиҳалар керак.

Футболнинг кундалик ҳаётимизда тутган ўрни тобора юксалиб, эндиликда у шунчаки спорт тури ёки спорт-шоу эмас, умуминсоний қадриятга айланган. Қадрият доимо юксалиб, одамларга эзгулик улашиб боради, ҳаётга муҳаббат уйғотади. Муҳаббат гўзалликдан туғилади. Шу тариқа ўз-ўзидан гўзаллик ва футболнинг алоқадоролиги мулоҳаза юритишга мавзу бўлади. Хуллас, тушунчадан тушунчага ўтиб, моҳиятга яқинлашиб, охир-оқибат фалсафа билан рўбарў келамиз. Фалсафа тушунчалар табиатини текширади. Аниқлайди. Фарқли жиҳатларни кўрсатади. Маълумингизки, футболда ҳам бир қатор сўзлар, иборалар ишлатилади. Чунончи, тўп, стадион, дарвоза, ўйинчи (футболчи), йирик ҳисоб, нурсиз дуранг, жанговор дуранг, томошабоп ўйин, келишилган ўйин каби тушунчалар бор. Бу сўзлар

хар бир кўрсатув ва чиқишда ўз аксини топмас экан, муаммолар ўртага ташланмас экан, мақсадга эришиб бўлмайди.

Ҳозирда хориж футболи юлдузлари ҳақидаги туркум кўрсатувларнинг таржимаси “Спорт” каналида эфирга узатилди. Албатта, бу кўрсатувлар ёш футболчилар учун катта дарс вазифасини бажаради. Ўзимизда ҳам ана шундай футболчилар анчагина. Таниқли футбол шарҳловчиси Ахбор Имомхўжаев спорт ҳақида, футбол ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб: “Спорт журналисти жуда мураккаб касб. Республикамизда бу касбнинг усталари санокли. Чунки, одатда физкультура институтини битирганлар адабиётни яхши билишмайди ва аксинча журналистика ёки филология факультетини битирган студентларнинг спорт билан мунтазам шуғулланганларини кам учратганман”³⁵. А.Имомхўжаев бу фикрларни 1988 йилда ёзиб улгурганди. Шу йилларда айтилган муаммолар бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Ўзбек футболи тарихида ҳали ҳеч ким Миржалол Қосимов эришган чўққиларни забт этмаган, ҳеч қайси футболчи унингдек ютуқларга эришолмаган. Футболимиз ривожига қўшган улкан ҳиссаси учун Қосимов кўп маротаба давлат мукофотлари билан тақдирланган. Тажрибали мураббийлардан сабоқ олишда ҳам Миржалолнинг омади чопган. Катта футболнинг илк сир - асрорларини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Юрий Господарчукдан олган. Терма жамоада Рустам Акрамов, Биродар Абдураимов, “Алания”да Валерий Газзаевлар қўл остида тўп сурган. А.Имомхўжаев М.Қосимов мураббийликка қўйилишини юқори баҳолаб, тилга олинган тажрибали мутахассислардан олган сабоқларини амалиётга татбиқ этиш даври келди, дейди. Яқин йиллар ичида футболимизга алоҳида ном билан кириб келган футболчиларимиз – Илҳом Суюнов, Ислон Иномов, Алексей Николаев, Асрор Алиқулов, Анзур Исмоилов, Анвар Ғофуров, Виталий Денисов, Артур Филиппосян сингари футболчилар бор эди. Улар қани, қаерда, нима билан банд? Шарҳловчи Ахбор Имомхўжаев Миржалол

³⁵ Имомхўжаев А., Мафтунингман, футбол!, Т., “Шарк” НМАК, 2004. Б.49.

Қосимовнинг техникаси ва тактикасига алоҳида эътибор бериб, “Ўзбекнинг Миржалоли” деган китоб ёзди. Ваҳоланки, юқорида номи тилга олинган футболчиларни студияга чақириб, ёш авлод вакиллари билан учрашув ташкил этиш ҳам мумкин эдику. Улар ҳақида ҳикоя қилинувчи телевидениеда **“Юлдузларимиз ҳаёти”** деб номланган кўрсатув яратиш жуда керак. Унда ўзбек футиболида чуқур из қолдирган юлдузларимизни фаолияти кенг ёритиб борилса, мухлисларимиз учун ажойиб совға бўларди. Шунингдек, шарҳловчилик учун кастинг ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Албатта шу ўринда Жафар Ирисметов ҳақида ҳикоя қилинган “Футбол.уз” телевизион лойиҳаси айна юқорида кўтарилган саволларга жавоб бўлади³⁶.

Юртимизда ҳукуматимиз томонидан оналик ва болаликни, хотин-қизлар масалаларини қамраб олувчи кўплаб қарор ва Фармойишлар қабул қилинди. Бугун қайси соҳага қараманг, хотин-қизларимизнинг ўзига хос ўрни, барча ислохотларда муносиб иштироки бор. Айниқса, бу хурсандчилигимизни миллий футиболимизда ҳам кўришимиз мумкин. Миллий чемпионатимиз ўтказила бошланган дастлабки йилларда аёллар футиболи ҳақида деярли гапиришни имкони йўқ эди. Юртимизда миллий футиболимизга бўлган эътибор сабаб, бугун аёллар футиболи ҳам ривожланиб тараққий этиб бормоқда.

Ҳукуматимиз раҳбарининг мамлакатимизда футиболни ривожлантиришга қаратилган бир қатор фармон ва қарорлари сабаб, аёллар футиболида ҳам ислохотлар олиб борилмоқда. Бугунги кунга келиб, олий лига жамоаларининг барчасида аёллар жамоалари ташкил этилган бўлиб, асосий жамоага бўлгани каби эътибор қаратилмоқда. Аёллар чемпионати ҳам секин асталик билан бўлса-да қизиқарли тус олмақда. 2014 йилги мавсум аёллар чемпионатида ҳисоб бўйича XX-си бўлди. “Аммо, XIX миллий чемпионатни биринчиликларимиз орасидаги энг тўлақонлиси десак муболаға бўлмайди. Кескин курашларга бой ўтган чемпионатда Қашқадарё вилоятининг

³⁶ “Футбол Уз”, 11.05.2014.

“Севинч” жамоаси энг яқин таъқибчиси “Андижанка”ни 11 очкога ортда колдириб, пешқадамликни кўлга киритди. Эркаклар футболда бўлгани сингари кейинги йилларда аёллар футболда ҳам бир қанча янги номлар пайдо бўлмоқда. Ўз ҳаётини футболсиз тасаввур қила олмайдиган қизларимиз каторига опа-сингил Ўғилой ва Садоқат Илашевлар, Холида Дадабоева, Насиба Ҳожиева, Гулираъно Ҳасанова, Зебо Жўраева, Моҳигул Икромов, Гулшан Шодиева каби бир қатор иқтидорли қизларимизни номини келтириб ўтишимиз мумкин³⁷.

Ўзбекистонда аёллар футболу ўзининг улкан ютуқлари билан мактана олмаса-да, лекин юртимизда футболга берилаётган эътибор сабаб, яқин келажакда аёллар футболу ўзини ҳар томонлама кўрсатишига шубҳамиз йўқ. Жаҳон майдонларида ҳақиқий ўзбекона, гўзал ва оқила қизларимизни улкан зафарларга эришишини тилаб қоламиз. Аммо, “Спорт” телеканалида аёллар футболга бағишланган чиқишлар деярли йўқ. Фақатгина, “Хабарлар” информаион дастурида аёллар футболга доир хабар ва янгиликлар ҳақида гапирилади. Аёллар футболга берилаётган эътибор, уларга яратилган шароитлар, ён-атрофдагиларнинг қизиқиши, футбол ўйнашни истаган ёш қизлар ҳақида чиқишлар йўқ. Баъзида шундай чиқишлар уюштирилади. Маълумки, “Спорт” каналида Соат Шарипов муаллифлигида “Ташриф” кўрсатувида аёллар футболу ҳақида гапирилиб, “Севинч” жамоаси аъзолари билан суҳбат уюштирилди³⁸.

Аёллар футболу борасида муаммолар етарли. Маълумки, пойтахтимизда аёллар ўртасида футзал бўйича ўнинчи бор миллий чемпионат ташкил этилди. Интернетда Фарҳод Норбўтаев блогида бу муаммога дахлдор мақола босилган. Унда шундай дейилади: “Бироқ мазкур мусобақага мунтазам иштирок этиб келаётган собиқ “Шердор” ҳозирги “Динамо плюс” аёллар жамоаси иштирок этмади. Бунинг сабабини билиш мақсадида жамоа мураббийи Ибрагим Биляловга кўнғироқ қилганимда менга ҳеч қандай

³⁷ Аёл бахти оламни тўлдирсин, Футболга наф келтириш – олий бахт Х.Восиев блоги, 15.03.2014.

³⁸ “Ташриф”, 21.06.2013.

ахборот бермаслигини айтди. Хўш, бундай мураббийни қандай аташ мумкин? Мансабидан айрилиб қолишдан қўрқадиган андишали мураббийми ёки қорни очу, қулоғи тинч бўлишни истайдиган инсон дебми? Миллиардлаб пулларни айлантираётган клубни ҳеч қандай бадал пулисиз иштирок этиши мумкин бўлган мусобақага юбормаган раҳбарни ким деб аташ керак? Тежамкорми, тадбиркорми?

Ўзбекистон футбол федерацияси, шахсан Мираброр Усмоновнинг ташаббуси билан аёллар футболни ривожлантириш учун аёллар жамоасини Олий лига жамоаларига бириктириб улкан мақсадларни рижалаштирган бир вақтда, олдинлари ҳар бир мусобақада иштирок этиб келган жамоани турнирлардан олиб қолиш Ўзбекистон футболни ривожлантириш учун масъул бўлган инсоннинг сўзини икки қилиш, унинг чиқарган қарорларига бўйсунмасликдан далолат эмасми? Энди айтингчи, қачонгача футболда олдимизга қўйилган улкан мақсадларни фақат тескарисини қилиб келамиз”³⁹.

Соҳада муаммолар кўп. Аёллар футболга доир муаммолар янада оғриқли. “Спорт” канали му масалада ҳеч нима демайди. Ҳамон тинч, осуда, мақтов билан овора. “Спорт-ТВ” учун футболни яхши биладиган янги номлар, ёш ва тажрибали янги кадрлар, таъсирчан ва бетакрор янги кўрсатувлар яратиш вақти келди. Зеро, рақобат бор жойда ўсиш, ривожланиш бўлади. Болалар ва аёллар футболни ривожлантириш бугуннинг долзарб вазифаси саналади.

³⁹ Самарқанд футболни: ўзига хос доҳий ва ботқоқдаги футбол ҳақида ҳақиқатлар, Тақдир футболни, Ф.Норбўтаев блоги. 22.04.2014.

3-Боб. ЯНГИЛИКЛАР ДАСТУРЛАРИДА ОММАВИЙ ВА БОЛАЛАР СПОРТИ ТАРҒИБОТИ

3.1. “Хабарлар” ахборот дастурида мавзулар кўлами

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги “Мустақил телерадиоканаллар фаолиятини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони телерадиокомпания фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Ушбу фармон ва қарордан кўзланган асосий мақсад бир сўз билан айтганда Ўзбекистон аҳолисини, чет эл жамоатчилигини Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида рўй бераётган демократик ўзгаришларни ҳолисона хабардор қилишдан иборат. Шу билан бирга Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси телерадиоканаллари фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш, уларнинг иқтисодий мустақиллигини, ахборот хизмати бозорларидаги рақобатбардошлигини таъминлаш, телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни ташкил қилиш жараёнига бозор механизмларини татбиқ этишни қамраб олди. Мана шу фармон ва қарордан кейин тўртта мустақил телерадиоканал ташкил этилди.

“Спорт” телеканали “Машъал” радиоканали билан бирлаштирилиб, “Спорт” телерадиоканали давлат унитар корхонасига айлантирилди. Айни пайтда “Машъал” радиоканали ўз дастурлари орқали спортга оид янгиликларни эфирга узата бошлади. Жойларда бўлиб ўтаётган “Спорт” хабарлари эфирига ҳам кенг аҳамият қаратила бошланди. “Машъал” мусикий-ахборот канал сифатида кўпчиликка маълум эди. Мазкур ўзгаришлардан сўнг канал эшиттиришлари доираси янада кенгайди. Янги радиоўйинлар ва викториналар билан дастур анча бойиди. Спорт хабарлари

ва дастурлари юзага келди. Радио тезкорлиги билан бошқа оммавий ахборот воситаларидан фарқ қилади. Улар айна пайтда жонли эфирга узатилмоқда.

Радио орқали спорт хабарлари ҳам бериб борилади. Асосан телефон орқали мухбирлар мулоқотга чиқадилад. Телефон қўнғироқлари имкониятларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилаётган даврда журналистларнинг воқеа-ходиса содир бўлаётган жойдан жонли эфирда хабар бериши, репортаж тайёрлаши радио амалиётида кенг қўлланилмоқда. Бу репортажларни мутахассислар телефон репортажи⁴⁰ шаклида, инглизлар эса, “2 way”⁴¹ ибораси билан атайди. “Аҳамиятли жиҳати шундаки, улар бевосита фақат жонли эфирга хос бўлган янги жанр бўлиб, масофавий эфирга уланишни, икки томонлама алоқани ифодалайди. Он–лайн репортаж тайёрлаш учун журналист сўз устаси маҳоратли бошловчи бўлиши керак. Бундай репортажлардан ҳам янгиликлар блокида, ҳам ахборот-таҳлилий дастурларда, мустақил радиостанцияларда эса, ҳатто кўнгилочар байрам эшиттиришларида ҳам фойдаланиш мумкинлиги амалий мисоллар воситасида таҳлил этилди”⁴².

Мамлакатимиз спорти миллий маданиятимизнинг бир қисми ҳисобланади. У халқни юксак ахлоқий руҳда тарбиялашда ва саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим воситалардан биридир. Юртимизда яшовчи халқлар асрлар давомида хилма-хил жисмоний машқлар ва миллий мусобақалар турини яратдики, бу ўз навбатида ёшларнинг жисмоний ва маънавий тарбиясига жиддий таъсир кўрсатди.

2003 йилда қабул қилинган “Болалар спортини тарғиб қилиш ва болалар учун спорт товарлари ишлаб чиқариш турларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлар доирасида

⁴⁰ Исмаилова К. В режиме прямого эфира.. -Т.: Международный центр переподготовки журналистов, 2007.- С.14.

⁴¹ Филимоновых Е. У меня зазвонил телефон. Время работать на радио.-М.: 2002.- С.66

⁴² Артикова Ю.А.нинг “Ўзбекистон радиосида интерактивлик: тамойиллар, усуллар, эфирда ишлаш воситалари” мавзусидаги Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати, Б.-12.

тайёрланаётган бундай кўрсатувлар орқали оммавий спорт тарғиб қилинмоқда.

Юртимизда болалар спортини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга оид ташкилий-ҳуқуқий масалалар юзасидан, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги Фармони ва уни бажариш юзасидан ҳамда жамғармага юкланган асосий вазифаларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Шу билан бирга болалар спортини янада тарғиб қилиш, болалар учун ишлаб чиқарилаётган спорт товарлари турларини кўпайтириш ҳамда минтақалар, мактабгача болалар муассасалари, мактаблар, академик лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртлари ва “Маҳалла” ҳудудий жамғармаларининг спорт товарларига эҳтиёжини ўрганиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Болалар спортини тарғиб қилиш ва болалар учун спорт товарлари ишлаб чиқариш турларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолияти самарадорлигини ошириш, унинг минтақавий филиалларига юкланган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг минтақавий филиаллари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорлари қабул қилинди. Болалар спортини янги босқичда сифат жиҳатидан юқорига кўтариш ҳамда Болалар жисмоний тарбияси ва спортини 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ ҳолда ривожлантириш масалаларида ишларни аниқ мувофиқлаштиришни таъминлаш ҳамда ягона давлат сиёсатини ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди.

Ушбу Фармонни бажариш юзасидан ҳамда жисмоний ва маънавий соғлом ёш авлодни тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш, болаларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, шунингдек, спорт иншоотларидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди ва бугунги кунда мазкур жамғарма “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тўғрисида Низом” асосида юртимизда болалар спортини ривожлантиришга оид чора-тадбирларни изчиллик билан амалга оширмоқда. “Хабарлар” информацион дастури бу мавзудаги чиқишларни мунтазам амалга ошириб келмоқда. Шунингдек, томошабинга тез таъсир этадиган чиқишлар ижтимоий роликлар ҳисобланади. Спортга оид ижтимоий роликлар каналнинг энг асосий дастурлари сирасига киради. Ўрта-махсус билим юртлари ўқувчилари ўртасидаги “Умид ниҳоллари” мусобақаси 2012 йилда Навоийда бўлиб ўтганди. Шу муносабат билан тайёрланган роликда спорт кийимидаги боланинг коптоги бутун шаҳарни айланиб чиқади. Аввало, Навоий вилоятидаги тарихий жойлардан, стадионга, у ердан саноат корхоналарига, у ердан спорт мажмуаларига, кураш билан шуғулланаётганлар даврасига ўтади. Ролик сўнгида эса “Ҳазрат Навоий номи билан аталган Заминга марҳабо!” деган ёзув пайдо бўлди ва “Умид ниҳоллари – 2012”нинг логотипи берилди. Ёки 2013 йил июнь ойи биринчи декадасида Бухорода бўлиб ўтган “Универсиада” спорт мусобақалари ролиги ҳам ўзига хос тарзда эфир юзини кўрди. Унда вилоят спорти ривожига ҳисса қўшаётган фидоийлар, устозлар ва ёш спортчилар ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашиб, сўнгра мусобақа логотипи ва “Бухорога марҳабо!” деган ёзув пайдо бўлди. Бу йил Наманганда бўлиб ўтган “Баркамол авлод” спорт ўйинлари ҳам ана шундай юқори кайфиятда ўтди.

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришга, мамлакатимиз ва чет элдаги спорт тадбирларини,

республикамиз спортчиларининг ютуқларини ёритишга йўналтирилган телерадио кўрсатув ва радиоэшиттиришларни тайёрлаш, соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштириш, болалар ва оммавий спортни оммавий тарзда ривожлантириш, жамиятдаги барча ижтимоий гуруҳларнинг эҳтиёжларини қондиргани ҳолда дам олишнинг фаол ва ижтимоий фойдали шакллари ташкил қилиш, миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини қайта тиклаш ва ривожлантиришга бағишланган теле ва радиодастурларни тайёрлаш каби масалалар “Спорт” телерадиоканалининг асосий вазифасига айланди.

Спорт журналистикаси оммавий ахборот воситаларининг қай бирида бўлмасин у хабар беради, қайта ишлаб таҳлил қилинган ҳолда ахборотни етказди, салбий ва ижобий мисоллар билан аудиторияни тарбиялайди. П.Воронковнинг фикрича, спорт газеталари бугун ва айти дамда муаммолар ҳақида ёзмайди, у инсондаги нохуш кайфиятни йўқотишга ёрдам беради ва фақатгина спорт журналистикаси дунёда тинчлик ўрната олади, деб ҳисоблайди⁴³. Бу мутахассиснинг таъкидлашича: спорт журналистикаси 5та асосий вазифани бажаради:

1. Эскейпизм.
2. Яхши кайфият улашиш.
3. Ахборот бериш.
4. Таҳлил қилиш.
5. Тарбия бериш.

Бугунги кунда спорт оммавий ахборот воситалари, айтиқса, телевидение ва радиодастурлар аудитория учун яхши кайфият улаша олади. Чунки, спорт журналистикаси ҳаваскор спортчиларни ҳам ҳисобга олган ҳолда ўз фаолиятини юритади. Спорт ОАВ ўзининг алоҳида аудиториясига эга.

Мамлакатимиз ва хорижда рўй берган энг муҳим воқеаларни тезкорлик, аниқ фактлар асосида мухлисларга етказишда асосий масъулият “Хабарлар” бош муҳарририяти зиммасида. Дастлабки йилларда “Хабарлар” инфор­мацион дастури ўзбек ва рус тилларида кеч соат 18:30 ва 21:30 да

⁴³ Гаф­фо­рова Н. Спорт ва журналистика, Илмий тўплам, Т.: 2012. Б-125.

эфирга узатилган бўлса, жорий йилдан бошлаб эрталабки ва кундузги дастурларда ҳам спорт оламидаги сўнгги “Хабарлар”дан воқиф бўлиш мумкин. Бундан ташқари, эндиликда дунёнинг энг йирик спорт мусобақаларида телеканал ижодкорлари ҳам бевосита иштирок этиб, ҳар бир янгилик ҳақида воқеа содир бўладиган жойдан оператив равишда “Хабарлар” дастури учун маълумот беришяпти. Якшанба кунлари эса ўзбек тилида “Талқин”, рус тилида “Версия” ҳафталик ахборот-таҳлилий кўрсатувлари эфирга чиққан бўлса, ҳозирда эса “Хабарлар” дастурининг якшанба сонидан кун янгиликлари ва ҳафта тафсилотлари билан таништирилмоқда.

Аудитория тушунадиган тилда ёзиш, гапириш, хуллас, спорт журналистикасининг раванг топиб, гуллаб-яшнаши учун, аввало, спорт атамаларини ўзбекчалаштириш, спорт атамалари луғатини тузиш, чоп этиш, шунингдек ушбу соҳага оид илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эга китоблар ёзиш муҳим омиллардан саналади. Ва шу билан бирга ушбу мутахассислик эгалари умуман спортни халқимиз орасида кенг оммалаштириш, хусусан ўзбек спорти муваффақиятларини дунёга танитиш, шунингдек жаҳон спорти янгиликларини халқимиз орасида профессионал даражада оммалаштириш билан шуғулланишади.

Кўриниб турибдики, спорт журналистикасининг ривожланиши ва малакали ёш журналист кадрларнинг кўпайиши натижасида ўзбек спортчиларининг шон-шухрати мамлакатимиз миқёсида ва шунингдек жаҳон бўйлаб кенг ёйилишига хизмат қилади. Ахир спорт юрт байроғини жаҳон ареналарида баланд кўтармоқда. Шундай экан, бу йўлда спортчилар билан биргаликда спорт журналистлари ҳам ўз салоҳиятларини кўрсатишлари лозим.

Спорт журналистикаси одамдан катта билим талаб қилиши билан бирга, соҳага бўлган муҳаббатни ҳам талаб қилади. Компания раҳбарияти бу масалага алоҳида эътибор билан қаради. Яъни, спорт журналистикаси бўйича ўз фикрига эга, турли таҳририятларда фаолият олиб боровчи, соҳа бўйича маълум кўникмаларга эга ёшларни телевидение ишига жалб қилди. Мисол

учун, радио соҳасида иш олиб боровчи Олимжон Турдибоев каналнинг бош кўрсатуви “Хабарлар” информацион дастурининг бошловчиси сифатида танилди.

Кўрсатувнинг ўзига хос хусусиятларига тўхталиб ўтамиз. “Хабарлар” информацион дастури мамлакатимиз спорт ҳаётидаги энг сўнгги янгиликларни мунтазам эфирга узатиб боради. Бехзод Аҳмедов бошловчилигида эфирга узатилган “Хабарлар” информацион дастурининг эрталабки сонини таҳлилга тортамиз⁴⁴.

1. Кўрсатувнинг биринчи лавҳаси Лайло Рустамованинг видеошарҳи. Бразилияда бўлиб ўтаётган жаҳон чемпионати 15 июнь тонггига қадарги тафсилотлари берилди. Лавҳа тезкор, хабар жанрида эфирга узатилган, бўлиб ўтган бир неча ўйинлар шунчаки шарҳланди. Техник носозлик туфайли видеошарҳ охирига етмади. Матн кесилиб қолди. Албатта бундай техник носозлик кўрсатув имиджига салбий таъсир қилади.

2. Кўрсатувнинг кейинги лавҳаси Фарғонада бўлиб ўтаётган “Теннис ITF турнири” ҳақида бўлиб, уни Бехзод Жўрабоев тайёрлаган. Журналист теннис натижалари билан бирма-бир таништирди.

3. Кўрсатувнинг кейинги лавҳаси бевосита “Соғлом бола йили” бағишланган тадбир бўлиб, уни Раҳмонқул Болтаев тайёрлаган. Навоий вилоятида 1997 йилда ва ундан кейинги йилларда туғилган болалар ўртасида Юнон Рум кураши бўйича вилоят чемпионати бўлиб ўтгани тўғрисидаги лавҳа берилди. Бу айнан болалар спортига тааллуқли.

4. Муаллиф Жамшид Шерметовнинг лавҳаси Олимпия шон-шуҳрат музейидан тайёрлаган бўлиб, унда таниқли волейбол устаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Владимир Фраликнинг кўргазмаси ҳақида ҳикоя қилинди. Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг соғломлаштириш гуруҳи ҳамкорлигида ўтказилган кўргазма ҳам маълум маънода болаларни соҳага қизиқишига сабаб бўлади.

⁴⁴ “Хабарлар”, 15.06.2014.

Бу йил Наманган вилоятида “Баркамол авлод” спорт ўйинлари бўлиб ўтди. “Баркамол авлод” спорт мусобақалари ҳақида ҳар кўрсатувда хабар бериб борилди. Иштирокчиларнинг жўнаб кетиши, ўз вилоятларига етиб бориши ҳақида бир неча лавҳа кетма-кет эфирга узатилди⁴⁵ Жасур Шерметовнинг Тошкент вилоятининг Паркент туманидан спорт ўйинлари машғаласи ўт олдирилганлиги ҳақидаги лавҳаси⁴⁶, мусобақада 1-ўринни кўлга киритган Тошкент жамоасини кутиб олиш ҳақидаги Малика Муродованинг лавҳаси ва бошқа лавҳалар эфирга узатилди.

Лавҳаларнинг умумий мазмунига тўхталсак;

- Иштирокчиларни кузатиш;
- Кузатувчиларнинг кайфияти;
- тантанали кутиб олиш;
- спорт турлари бўйича тафсилотлар;
- ҳар бир тур бўйича кундалик натижалар;
- иштирокчилар учун яратилган шарт-шароитлар;
- иштирокчилар таассуротлари;
- вилоят жамоаларининг эришаётган ютуқлари ҳақида сўз юритилди.

Телевидение иши фақат муаллиф ёки тасвирчи иши билан тугамайди. Бошқа касб эгалари ҳам бу жараёнда фаол иштирок этади. Режиссёр иши ҳақида Ҳамидулла Акбаров “Малакали режиссёр сценарийни адабий жиҳатдан тўлдирмаган ҳолда ҳам уни ўз санъати билан бойитиши, муаллиф сўз билан ифодалаган мажозий образларга чуқур маъно бериб тасвир, мусиқа, монтаж имкониятлари ила уларни экранга олиб чиқиши мумкин”⁴⁷ — деган эди. Йирик олимнинг мазкур фикрларини қадрлаган ҳолда, спорт соҳасига ҳам татбиқ этиш мумкин. Яъни, кўрсатувларда спорт мавзусини очишга хизмат қилувчи диаграмма, жадвал ва бошқалардан кенг фойдаланиш мумкин. Мисол учун, кўрсатув бошида Венгрияда бўлиб ўтган халқаро мусобақада ҳамюртларимиздан бири ғалабага эришгани тўғрисида

⁴⁵ “Хабарлар”, 28-31.05.2014.

⁴⁶ “Хабарлар”, 28.05.2014.

⁴⁷ Акбаров Ҳ. Теле-кинодраматургия: назария ва амалиёт, Т.: “Илм зиё”, 2006. Б.55.

гапирилди. Тўғри, кадрлар йўқ бўлиши мумкин. Лекин, интернет орқали олиб ёки иштирокчилар расмларини кўйиб ҳам инфор­мацион дастурни бойитиш мумкин эди. Аммо, бу амалга оширилмади. Бу ҳам камчилик ҳисобланади. Кўрсатувда жадваллардан фойдаланиш урфга айланган. Кўрсатувда ўртоқлик учрашувлари ҳақидаги хабарда шундай жадвал билан тақдим этилди. Бундай жадвалларни Олимжон Турдибоевнинг Осиё чемпионлар лигаси ва бошқа мавзудаги инфор­мацион шарҳларида ҳам учратдик⁴⁸. Кўрсатув якунида ўзбек жанг санъати бўйича Ўзбекистон жамоасининг Италияга жўнаб кетгани тўғрисидаги хабари берилди. Бутунжаҳон жанг санъати федерацияси етакчиси Жани Соритса мамлакатимизга келгани, спортчи ёшлар билан учрашгани ва жанг санъати усталарининг маҳоратини кўриб кетгани ҳақида ҳам гапирилди. Кўрсатувда аксарият ҳолларда бошловчининг ўзи гапиради. Кўрсатув мобайнида Муҳаммаджон Каримов ва Малика Муродовалар мухбир сифатида намоён бўлди. Бошқа матнлар бошловчи томонидан ўқиб эшиттирилди.

Спорт журналистикасининг яхши мутахассиси бўлиш учун биздан, мавжуд спорт турларининг тарихи, қонун қоидалари, ҳаётимизда тутган ўрни ҳақида билиш қаттиқ талаб қилинади. Статистик маълумотларга эғалик, чет тилларини мукаммал билиш, ижодда холислик, юксак билимлилик, одоб ва албатта маҳорат спорт журналисти учун асосий мезонларга айланмоғи лозим.

3.2. Телевизион спорт янгиликларини етказишда журналистнинг ўрни

“Спорт” телеканалида “Мухбирлар тармоғи” бўлими ҳам фаолият кўрсатаётган бўлиб, бу ҳам ўз навбатида, кўрсатувлар географиясини янада кенгайтишида муҳим омил бўлмоқда. Жойлардаги мухбирлар

⁴⁸“Хабарлар”, 15.04.2013.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларида спорт соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, барпо этилаётган спорт иншоотлари ҳамда жойларда ўтказилаётган турли даражадаги мусобақалар ҳақида нафақат “Хабарлар” информацион дастури, балки ҳар ҳафта эфирга узатиладиган “Вилоят спорти” махсус кўрсатуви орқали ҳам ёритиб бормокдалар. Аммо, вилоят мухбирлари фаолиятида муаммолар ҳам талайгина. Мисол учун, “Спорт” каналининг Самарқанд вилояти бўйича мухбири Замон Эшонқуловнинг чиқишларини кузатар эканмиз, бир канча камчиликларни кузатиш мумкин. Унинг айрим футбол мусобақалари ҳақидаги лавҳаларида;

- футболни яхши тушунмаслиги;
- замонавий услубга эга эмаслиги;
- адабий тилга эътибор бермаслиги каби ҳолатлар кузатилади.

Тўғри, вилоятларда фаолият юритаётган иқтидорли журналистлар ҳам бор. Каналнинг Бухоро вилояти бўйича мухбири Б.Асадов нафақат спорт тўғрисидаги лавҳалар, балки футбол мусобақаларини ҳам шарҳлаш маҳоратига эга эди. Қолаверса, вилоят телевидениесида спорт соҳасига доир кўрсатувни тайёрлайди. “Бухоро спорти” газетасига муҳаррирлик қилади. Ҳозирда “Хабарлар” ахборот дастурининг Бухоро вилояти бўйича мухбири сифатида Умида Раҳмонова фаолият кўрсатмоқда. Умида Раҳмонова болалар спортига бағишланган чиқишларида ўз истеъдодини кўрсата олади. Ҳар бир сюжетда ўз ифодасини топади.

Болалар спортига дахлдор бўлган яна бир сюжет “Хабарлар” информацион дастурининг Хоразм вилояти бўйича мухбири Даврон Шарипов репортажида ўз аксини топди⁴⁹. Унда Хоразм вилояти Боғот туманидаги 1-сон спорт мактабида бўлиб ўтган 1999 йил ва ундан кейинги йилларда туғилган болалар ўртасидаги дзюдо бўйича вилоят чемпионати тўғрисида гапирилди. Тадбир ташкилотчиси Бобоҳон Абдуллаев мусобақа ҳақида, болаларнинг тайёргарлиги ва ғолиблар хусусида гапирди.

⁴⁹“Хабарлар”, 17.05.2014.

Чемпионлардан бири Муҳаммаджон Иброҳимов интервью берди. Агар сюжет профессионал нуқтаи назарда таҳлил қилинса, қуйидаги фикрларни айтиш мумкин:

1. Лавҳа маълумотларга бой. Чемпионат ҳақида етарлича ахборотлар берилган.
2. Лавҳа анъанавий тарзда тайёрланган. Ноанъанавийлик йўқ.
3. Лавҳада замонавий журналистика унсурлари етишмайди.

Замонавий журналистикада қўлланиладиган интершум ва лайфдан фойдаланиш мумкин эди. “Интершум– бу табиий овоз бўлиб, тасвир билан бирга ёзилади. Қоидага кўра, у кадр ортидан ўқиладиган матн билан бирга ва қимматли тасвирий воситаларни юзага келтиради. Интершум видеога мос бўлиши керак. Баъзида монтаж пайтида интершум ўз сифатини йўқотади ёки унинг сифатсизлиги билиниб қолади. Чунки, интершум камеранинг ўзида жойлашган микрофон тури – “замбарак (пушка)” ёрдамида ёзиб олинади”⁵⁰.

Журналист ўз лавҳасида интершумдан фойдаланиши – иштирокчилар қичқириғи, қувончлари, бақир-чақирларини берса бўларди. Бу тележурналистикада лайф деб аталади. “Инглиз тилидан таржима қилинганда life - “ҳаёт” деган маънони билдиради. У видеотасвирнинг бир қисми бўлиб одатда 10 сониягача давом этади. Муайян маънони англатувчи табиий шовқинлар – олқишлар, ишқибозлар қичқириғи, сувнинг шилдираб оқиши кабилар лайф вазифасини бажаради. Уларнинг овози эшитилаётганда кадр ортидаги матнлар ўчмайди. Лайф томошабинга воқеа-ҳодиса рўй бераётган жойда бўлгандек ҳиссиётни кечиш имкониятини беради. У сюжетга ўзгача руҳ бахш этади”⁵¹.

Каналнинг бошқа вилоятларда ҳам истеъдодли мухбирлари мавжуд. Аммо, аксариятида шева сўзлардан фойдаланиш камчилиги бор. Шевани йўқотиш учун ўзаро тажриба алмашиш, маълум муддатга вилоятдан Тошкентга келиб, каналнинг ўзида тажриба орттириши керак. Аҳамият

⁵⁰ Каримов А. Аудиовизуал журналистика (тележурналистика), Т.: ЎзДЖТУ, 2012.-Б.22.

⁵¹ Ўша манба. -Б.22

килсак, Тошкентда фаолият олиб боровчи журналистларда шаҳар шеvasи устунлик қилади. Демак, муҳитнинг, ён-атрофда яшаётган одамларнинг журналист фаолиятига таъсири борлиги кўриниб турибди. Бу борадаги муаммолар пойтахтда фаолият юритувчи мухбирларда ҳам учрайди.

“Хабарлар” информацион дастури мухбири Фаррух Муҳаммадиев мини-футбол ҳақидаги лавҳасида “учрашувда дуранг натижа қайд этилгач, жамоалар 11 метрли жарима тўпи орқали ғолиб номини аниқлаб олдилар”, деганди. Ўшанда у пенальтини назарда тутиб айтган эди. Ваҳоланки, мини-футболда пенальти 11 метрдан тепилмаслигини кўпчилик яхши билади. дастур муҳаррирлари мухбир тақдим этаётган ҳар қандай материални ёзиб олишдан олдин бир кур кўздан кечиришлари, тўғридан-тўғри эфир бўладиган бўлса, мухбирнинг нима демоқчи эканини билишлари шарт деб ўйлайман.

Яна бир мисол. Яқин вақтларгача “Хабарлар” информацион дастурида шахмат ҳақидаги ахборотлар берилса, “ақл-идрок соҳиблари” дея айтиларди. Бу жумлани эшитган кишида фақат шахматчиларда ақл ва идрок бор экан-да, деган ўй ўтарди. Бундай камчиликларни бошқа ижодкорлар фаолиятида ҳам учратиш мумкин.

Дастурнинг ўзбек тилидаги баъзи сонлари профессионал журналистика қоидалари ва журналистик одоб меъёрларига зид бўлиб, ҳатто телетомошабин ва спорт мухлисларининг ғашига тегади. Бу ҳол дастурни фақат Даврон Қобулов олиб борганда кўзга ташланарди. Ушбу телебошловчининг турли хил ўхшатишлари, киноя ва пичинг иборалари журналистикадаги хабарлар (яъни янгиликлар) жанрининг мезонларини кўпол бузиб, профессионал одоб меъёрларини босқилашига сабаб бўлди. Бу ҳол журналистикада одобсизлик саналади. Чунки журналист шарҳдан ташқари ҳеч бир жанрда, хоҳ янгиликлар бўлсин, хоҳ мақола бўлсин, хоҳ таҳлилий материал бўлсин, ўша материалда ёритилаётган факт ва муаммо хусусида ўзининг фикрини ва ҳиссиётларини билдириши мумкин эмас.

Журналист ўз фикрини фақат шарҳ жанрида билдириши мумкин. Мисол учун, футбол ёки бошқа спорт туридаги ўйинларни шарҳлаганда. Лекин

шарҳда ҳам шарҳловчи ўз фикрларини осмондан олиб ёки ўз ҳиссиётларидан эмас, балки мутахассис нуқтаи назаридан келиб чиқиб, босиқлик билан билдириши керак. Масалан, футбол ўйинини шарҳлайдиган киши футбол ва шарҳланаётган ўйин хусусида мутахассис даражасида билиши керак ва ўйинга, ундаги вазиятларга фақат шу жихатдан баҳо бериши керак.

Шарҳ жанри шарҳловчига ўз фикрини билдириш ҳуқуқини берса ҳам, шарҳловчилар юқоридаги каби пичинг ва киноя ибораларни ишлатишмайди. Чунки, бундай гаплар профессионал журналист ёки мутахассисга эмас, балки телевизор қаршисида ёки стадионда футбол томоша қилаётган оддий томошабин ёки мухлисга хос гаплардир. Хабар жанрида эса журналист ҳатто мутахассис сифатида ҳам ўз фикрини билдириши мумкин эмас. Бундан ташқари, хабар матни киноя ва пичинглардан ҳоли бўлган нейтрал, “қуруқ” тилда ёзилиши керак. Чунки жанрнинг асосий мақсади журналистнинг “ажойиб” фикрлари-ю пичингларини эмас, балки янги фактларни, улар атрофидаги тафсилотларни тақдим қилишдир.

Даврон Қобулов баъзида ғалабалардан мағрурланиб, журналистика ва спорт этикасига зид равишда гапириб юборарди. Масалан, Жаҳон чемпионати саралаш ўйинлари босқичида Ўзбекистон ва Саудия Арабистони терма жамоаларининг Тошкентдаги ўйинидан сўнг берилган “Хабарлар”да мезбонларнинг 3:0 ҳисобидаги йирик ғалабасидан сармаст Даврон Қобулов: “Сингапурнинг кучи Ўзбекистонга етмас-ов!” – деб, катта кетганди”⁵².

Яхшиямки бугунги кунда телевидениеда бундай бемаъни чиқишлар йўқ. Телевидение дастурлари тасвирий воситалар билан томошабинларни ўзига жалб қила олади. Тасвирчилар зиммасидаги масъулият ҳам шунга яраша. Трансляция ҳақида гапиришдан олдин тасвирчиликнинг мураккаб жихатларини ёддан кўтармаслиги лозим. У телеочерк бўладими, репортажми ёки портрет жанрида бўладими, тасвирчи профессионал даражада моҳир

⁵² Абдулла Б. Хабарми, кинояю пичингми ёхуд “Спорт” телеканалининг “Хабарлар” дастури ҳақида журналистик мулоҳазалар, 27 Май 2008 11:47, www.gzt.uz

бўлмоғи керак. Чунки, унинг нигоҳи билан миллионлаб мухлислар фикр олади, жараённи илғайди. “Бирор-бир мусобақани эфирга узатиш пайтида режиссёр, тасвирчи ва шарҳловчининг ҳамоҳанглиги муҳим роль ўйнайди. Трансляция шунчаки камера олдида режиссёрнинг буйруғини кутиб туриш эмас, балки уни керакли ҳолатларини томошабинга моҳирона етказиш санъати, деб биламан. Футбол репортажларида гол, жараёнлар ёки ҳакамнинг ўйин тугаганини билдирувчи ҳуштаги, мураббийнинг жамоаси ютқазаётганда ўйинни алам билан томоша қилиб туриши, шу каби киши илғамас ҳолатлар трансляцияни кичик санъат асарига айлантиради. Ҳар бир тасвирчининг ўз қароши бўлади. У томошабинга ёқдиган тасвирни танлайди. Ҳатто, ноқулай ҳолатда туриб бўлса ҳам, экран олдида турган мухлис нуқтаи назарини бойитадиган тасвирни яратади”⁵³.

Кейинги йилларда “Спорт” канали дизайни, режиссураси тубдан ўзгарди. Канал имиджида қатор ўзгаришлар содир бўлди. Режиссёр, тасвирчи, овоз режиссёри, шарҳловчи, кранчи мутахассислар фаолияти ҳам ТВ асарининг мукамал чиқишида алоҳида аҳамият касб этади. Халқаро мавзуда қайсидир бир каналдан олиб кўрсатилаётган ўйинни шарҳлаш, хабар етказиш журналистга катта масъулият юклайди. Кўрсатув ҳар бир оилага кириб борар экан, ижодий гуруҳ ҳамкорлиги муҳим ўрин эгаллайди.

⁵³ Мирдадаев Р. Тасвир драматургияга хизмат қилиши керак, “Садо” газетаси, 2007 йил 12 апрель

ХУЛОСА

Мамлакатимиз аҳолисининг спортга бўлган қизиқиши, Президент ва ҳукуматимизнинг кенг миқёсдаги эътибори бу соҳада журналистлар олдида қатор вазифаларни кўндаланг қилиб қўйди. Бу йўналишда шу ўтган давр мобайнида ўзгаришлар содир бўлди. Айтиш мумкинки, оммавий ахборот воситаларида, хусусан телевидениеда мавзу доирасидаги чиқишлар кўпайди. Мавзуни ўрганиш асносида қуйидаги хулосаларга келинди. Дастлаб ютуқлар ҳақида:

Биринчидан, мамлакатимиз миқёсида болалар спортига, хусусан энг оммавий спорт тури – футболга бўлган эътибор кучайди. Ўсмирлар, ёшлар, аёллар футболи ривожланмоқда. Осиё чемпионати ва ўйинларида миллий жамоалар, терма жамоамиз эришаётган ютуқлар, Миллий чемпионатдаги ҳолатлар “Спорт” телеканали дастурларидан мунтазам жой эгалламоқда.

Иккинчидан, оммавий спорт турларини тарғиб қилишга қаратилган, болалар спортини ривожлантиришга йўналтирилган “Болалар спорти”, “Вилоят спорти”, “Спорт экспресс” каби кўрсатувлар мунтазам эфирга узатилмоқда. “Хабарлар” информацион дастури бунда етакчиликни қўлга олган. “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” спорт ўйинлари ҳақидаги маълумотлар, ўйинларга тайёргарликнинг бориши мунтазам ёритиб келинмоқда.

Учинчидан, журналистиканинг янги йўналишлари, замонавий ахборот технологиялари кенг қўлланилмоқда. Интерактив кўрсатувлар тайёрланиб, Ўзбекистонда ва дунёда энг оммавий бўлган футбол, теннис, бокс ва бошқа спорт турлари тўғридан-тўғри трансляция қилиниб, томошабинлар ҳукмига ҳавола қилиняпти.

Тўртинчидан, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом бўлишига қаратилган чиқишлар ҳам мавжуд. Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган “Қувноқ стартлар”, маҳалла аҳли иштирокидаги “Қуч

бирликда”, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг “Полвонжон” сингари телевизион мусобакалар ҳам соғлом турмуш тарзи тарғиботида муҳим ўрин тутди.

Бешинчидан, мамлакатимиз миқёсида футболга эътибор кучайди. Спортни ривожлантиришга қаратилган бир нечта қарорлар қабул қилинди. Шулар асосида мамлакатимиз миқёсида қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Нафақат шарҳловчилар, режиссёрлар, операторлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишига кенг аҳамият қаратиб келинмоқда. Шунга мос тарзда кўрсатувлар режиссураси ҳам сифат нуқтаи назардан юқори босқичга кўтарилмоқда. “Futbol.uz” телелойиҳаси бунга мисол бўла олади.

Ишни ўргана туриб бир қанча камчиликлар борлигига амин бўлдик. Бу нималарда кўринади.

Биринчидан, оммавий ва болалар спорт турлари бўйича таҳлилий-танқидий чиқишлар эфирда деярли йўқ. Жойларда спортга берилаётган эътибор, оммавий спортни тарғиб қилиш, ўйин натижаларини тақдим қилиш, ўзбек спортчилари эришаётган ютуқларни бериш каби жиҳатларга эътибор қаратилаётган бир пайтда, ўзбек спортчиларининг айрим спорт турларидаги салбий натижаларининг сабаби, спорт иншоотларининг талабга жавоб бериш, бермаслиги тўғрисидаги кўрсатувлар йўқ.

Иккинчидан, “Спорт” телеканалининг айрим ижодий ходимлари, вилоятлардаги мухбирларининг билим даражаси пастлиги, соҳани яхши билмаслиги, шарҳланаётган спорт тури қонун-қоидалардан тўлиқ хабардор эмалиги улар тайёрлаётган кўрсатувларда, чиқишларда яққол намоён бўлмоқда.

Учинчидан, спорт кўрсатувларини олиб боришда жаҳон стандартларини яхши билмаслик, ходимларнинг хориж тилларини яхши ўзлаштиролмаганлиги туфайли муаммолар юзага келяпти. Уларнинг айримларида жамоалар номи, таркиби, спортчилар исми-шарифини талаффуз қилишда ғализликлар кўзга ташланади.

Тўртинчидан, спортнинг оммавий футбол турига бағишланган махсус “Футбол шарҳи”, “1-лига шарҳи” кўрсатувлари бор. Аммо, каналда спортнинг бошқа оммавий турлари кўрсатувлар йўқлигини камчилик сифатида кўрсатиш жоиз. Бу бошқа спорт турларини ҳам оммалаштиришга кўмаклашади.

Ўзбекистонда спорт журналистикасининг тараққиёти доирасидаги айрим муаммоларни кўрсатган ҳолда, бу йўналишни янада ривожлантириш учун бир қанча таклиф ва тавсияларимизни бермоқчимиз.

Биринчидан, спорт журналистикаси, футбол журналистикаси ва шарҳловчилиги соҳасида бирорта ҳам ўқув қўлланма, дарслик ёки рисола чоп этилмаган. Спортга қизиққан талаба ўз устида ишлаши, малакасини ошириши, хато-камчиликларини тўғрилаши учун бирорта китоб бўлмаса, у ўз фаолиятини келгусида қандай ташкил этишини билмайди. Тез орада бу соҳада илмий асарлар юзага келиши керак.

Иккинчидан, биламиз мустақил матбуот фонди “Босма оммавий ахборот воситалари учун қўлланма”, медиабизнес, Ўзбекистонда журналистика қонунчилиги бўйича қатор китобларни нашр қилдирди. Ана шу фондга мурожаат қилиниб, грант асосида “Спорт журналистикаси”, “Спорт шарҳловчилиги”, “Футбол атамалари луғати” бўйича китоблар яратиш, “Спорт” канали қошида ЎзДЖТУ билан ҳамкорликда фонд кўмагида А.Имомхўжаев, М.Тўхтамирзаев, М.Ризаев, Д.Файзиевларнинг “Маҳорат мактаблари”ни ташкил этиш жоиз.

Учинчидан, ҳар йили 27 июнь – Оммавий ахборот воситалари ва матбуот ходимлари куни олдидан “Йилнинг энг фаол журналисти”, Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида “Олтин қалам” мукофоти, аёллар байрами арафасида “Атиргул”, мустақиллик байрами арафасида “Энг улуғ, энг азиз” каби танловлар якунлари ўтказилади. “Йилнинг энг яхши футболчиси”, “Энг яхши ҳакам” сингари танловлар ҳам бор. Спорт нашрлари ва журналистлари кўпаймоқда. Шу боис “Йилнинг энг яхши спорт журналисти”, “Энг яхши спорт шарҳи”, “Энг фаол спорт журналисти”,

“Талаба-журналистнинг спорт мавзусидаги энг яхши чиқиши” деб номланган умумий ном остида танловлар ташкил этилиши ва футбол журналистлари рағбатлантирилиши жоиз.

Тўртинчидан, жаҳонда, жумладан Россияда спорт журналистикаси, футбол журналистикаси йўналишларида мутахассис тайёрлашга анча олдин эътибор берилган эди. Бизда “Спорт журналистикаси” бўйича ҳам кадрлар тайёрлашга киришилди. Самарадорликка тўла эришилгани йўқ. Самарага эришиш учун эса, хориж тажрибасини ўрганиш зарур.

Бешинчидан, хориж тилларини биладиган, соҳага қизиққан ёшларни жалб этиб, “Спорт” канали танлов ташкил этиб, уларнинг энг иқтидорлиларини каналга шартнома асосида ишга қабул қилиши керак. Спорт журналистикаси соҳасида ихисослашишни кенг йўлга қўйиш лозим. Спортнинг оммавийлигини оширишда телевидениенинг тили, услуги, усуллари ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Чунки, спорт турини шарҳловчи мутахассис ўша спорт турининг барча қирраларини ўрганиб, томошабинни ҳам унга қизиқтира олиши керак.

Таклиф ва тавсиялар чуқур ўйланиб, амалиётга тезда жорий этилиши жоиз. Ҳозирги шиддатли, рақобат авжига чиққан замонда узоқ ўйлаб ўтиришдан кўра, давр талабини инобатга олиб, оммавий ахборот воситалари принципларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилингани маъқул. Ўрганилган мавзу назарий ва амалий нуқтаи назардан барча қизиқувчиларга асқотади ва спорт журналистикаси тараққиётида муҳим ўрин тутди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, ҳукумат қарорлари ва бошқа ҳужжатлар

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 1992.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мустақил телерадиоканалларни ривожлантириш ва қайта ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони (08.11.2005й. №ПФ-3678).

1.3. Оммавий ахборот воситалари фаолияти соҳасидаги меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар тўплами. – Т.: 2009.

1.4. Тўртинчи ҳокимият. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, ҳукумат қарорлари ва бошқа ҳужжатлар тўплами. – Т.: Меҳнат, 2003.

1.5. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни, 1992.

1.6. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йил 19 январда қабул қилган “2011-2013 йилларда республикада футболни ривожлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори (2011 йил)

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

2.1. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби, Т.: “Ўзбекистон”, 1997 й.

2.2. Каримов И.А. Буюк келажак сари. – Ўзбекистон, 1998.

2.3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2003.

2.4. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005.

2.5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008.

2.6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

III. Мавзуга доир махсус адабиётлар

3.1. Andrew G.S. World Radio TV Handbook. Amsterdam 1994.

3.2. Бердикулов А., Си-Эн-Эн телехизмати, Маърузалар матни Т., 2004.

3.3. Вакурова Н. В., Московкин Л. И. Типология жанров современной экранной продукции. Уч. пособие. 1997.

3.4. Система сретства массовой информации Россия М.: “Аспект Пресс”, 2001.

3.5. Имомхўжаев А., Мафтунингман, футбол!, Т., “Шарқ” НМАК, 2004.

3.6. Имомхўжаев А. Футбол – кувончим, дардим, фахрим, Т., “Шарқ” НМАК, 1996.

3.7. Имомхўжаев А. Ўзбегимнинг Миржалоли, Т., “Шарқ” НМАК, 2006

3.8. Каримов А., ТВ, ижодкор ва замон, Т.: “Наврўз”, 2004.

3.9. Кузнецов Г. В. Так работают журналисты ТВ. Уч. пособие. 2004.

3.10. Кузнецов Г. В., Цвик В. Л., Юровский А. Я. и др. Телевизионная журналистика. Учебник. 2002.

3.11. Луғат-маълумотнома. Журналистика. Реклама. Паблик рилейшнз. Т. Заркалам, 2003.

3.12. Муҳаммаджонова Ф. “Интернет: хабарлар рақобатининг қизгин нуқтаси”, Интернет журналистика, Т.: MRC- Tashkent, 2005.

3.13. Нутқ маданияти ва услубияти асослари, Ўқув қўлланма, Т.: 1992.

3.14. Фихтелиус Э. Журналистиканинг 10 қонидаси, Т.: “Шарқ”, 2002.

3.15. Цвик В.Л. Телевизионная журналистика: история, теория, практика М.: “Аспект – Пресс”, 2002.

3.16. Эрназаров Қ. Ва бошқ. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. Т.: ЎзМУ, 2002.

IV. Газета ва журнал материаллари

4.1. Абдумаликова Ш. Радио – мен учун катта мактаб, Азим Алимов билан суҳбат, “Садо”, 20.09.2007

4.2. Сатторов Ф. Билмаганимни сўрашдан уялмайман (Р.Умаров билан суҳбат), “Садо” газетаси, 2009 йил 9 апрель

4.3. Мирдадаев Р. Тасвир драматургияга хизмат қилиши керак, “Садо” газетаси, 2007 йил 12 апрель

4.4. Жумаев К., “Ассалом, футбол баҳори!”, “Садо” газетаси 2009 йил 12 февраль

V. Интернет сайтлари ва бошқа манбалар

5.1. www.uff.uz

5.2. www.stadion.uz

5.3. www.lex.uz

5.4. www.news24.uz

5.5. www.the-uff.uz

5.6. “Спорт” канали дастурлари

VI. Диссертациянинг қисқача мазмуни акс этган илмий ишлар рўйхати

6.1. “Билим ва иқтидор – ғурур ва ифтихор уйғотади” (“Соғлом авлод учун” журнали 2013 йил 1-сон);

6.2. “Таълимнинг ойдин йўли” (“Соғлом авлод учун” журнали 2013 йил 8-сон);

6.3. “Гўзал тарбиянинг гўзал ижодкорлари” (“Соғлом авлод учун” журнали 2013 йил 9-сон);

6.4. “Интеллектуал салоҳиятли хотин-қизлар ижтимоий фаоллиги – жамият тараққиётини таъминлашнинг муҳим омили” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани материалларидаги илмий мақолалар тўпламида “Ёшларга оид давлат сиёсати: моҳият ва мақсад” (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети 2014 йил 16 апрель).

ИЛОВАЛАР